O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 28-iyun, seshanba ● № 27 (727) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистлар, нашриёт ва матбаа соҳаси вакилларини — бугунги кунда тобора ўткир ва таъсирчан кучга эга бўлиб бораётган, оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли касб эгаси бўлган, ўзини ахборот соҳасини ривожлантиришдек олижаноб ишга бағишлаган сиз азизларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий муборакбод этаман.

Албатта, ҳаммамиз учун азиз ва муқаддас бўлган Ватанимиз мустақиллигининг яқинлашиб келаётган 20 йиллик буюк санаси арафасида ўтаётган бу байрамнинг алоҳида маъно-мазмуни борлигини, ўйлайманки, нафақат соҳа ходимлари, балки уларнинг ижоди ва меҳнати маҳсулидан ҳар куни баҳраманд бўладиган миллионлаб юртдошларимиз, бутун халқимиз яхши англайди.

Айни шундай дамларда эл-юртимиз ҳаётида тарихан қисқа бир даврда рўй берган ўзгаришлар — ўз куч ва салоҳиятимизга таяниб, миллий давлатчилигимизни қайта тиклаш, сиёсий ва иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга эришиш йўлида қандай улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритганимиз ҳақида сўз юритишимиз табиийдир.

Айни шу кунларда оммавий ахборот воситалари соҳасида амалга оширган ишларимизга танқидий баҳо берар эканмиз, улардан тўғри хулоса чиқариш, замоннинг ўзи талаб қилаётган муҳим масалаларни кун тартибига қўйиш ва уларни ҳал қилиш барчамиз учун энг долзарб вазифа бўлиб тургани хусусида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугунги қутлуғ айёмда ўлкамизда мустақил миллий матбуот пайдо бўлган даврдан бошлаб, бу ишнинг тамал тошини қўйган, доимо халқ билан, унинг дарду ташвишлари, эзгу орзу-умид ва интилишлари билан яшаган маърифатпарвар боболаримиз, бу йўлда ўзини фидо қилган инсонларнинг, муҳтарам фахрийларимизнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.

Юртимизда амалда ўзини оқламаган эски мафкура ҳукмронлик қилган даврларни эслар эканмиз, шуни тан олишимиз керакки, ўша замонда ҳам ахборот соҳасининг жонкуяр намояндалари, қандай оғир бўлмасин, воқеликни тўғри ёритиш, халқимиз бошидан кечирган машаққатли кунларни юрагидан, қалбидан ўтказиш, яқин тарихимиздаги машъум йилларда миллатимизнинг қадр-қимматини, шаънини ҳимоя қилиш, турли туҳмат ва бўҳтонлардан асраш, энг муҳими, миллий қадриятларимиз, ўзлигимизни сақлашда ўзини аямасдан, виждонан хизмат қилганини, мардлик ва маънавий жасорат кўрсатганини бугун катта миннатдорлик билан тилга олишимиз ўринлидир.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ миллий ғояни шакллантириш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадларни ҳар қайси инсоннинг онгида, маънавий оламида кенг қарор топтириш йўлида матбуотимиз катта ҳисса қўшаётганини, бунинг аҳамияти ва моҳиятини алоҳида таъкидлаш ва эътироф этиш зарур, деб биламан.

Шу борада одамларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг дунёқараши тобора ўзгариб, уларнинг онгу тафаккури юксалиб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, дахлдорлик туйғуси ошиб бораётган бир пайтда бу жараёнларда айнан матбуот соҳасининг ўрни ва таъсирини юксак баҳолашимиз албатта адолатдан бўлади, деб ҳисоблайман.

Азиз дўстлар!

Бугун биз XXI асрда — глобаллашув деб ном олган, шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшар эканмиз ва ўз олдимизга Ўзбекистонни ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсадини қўйган эканмиз, давр талаблари билан ҳамоҳанг ва ҳамқадам бўлиб ҳаёт кечиришимиз зарурлигини ўзимиз учун яна бир бор аниқ-равшан тасаввур этиб олишимиз шарт.

Олдимизда турган муҳим вазифа ва мақсадлар ҳақида гапирганда, авваламбор, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни янада кучайтириш ва уларни янги, юқори босқичга кўтариш ҳаётий заруратга айланиб бораётганини барчамиз чуқур англаб олмоқдамиз.

Шу борада ҳаётимизда ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонуний кафолатларини таъминлашга қаратилган, халқаро демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган ҳуқуқий замин яратилгани, соҳанинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб бораётгани ва бундай ишлар изчил давом эттирилаётгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги ҳаракатларимизнинг муҳим таркибий қисмидир.

Айни пайтда бу йўналишда кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар, амалий ҳаётимизда тўсиқ бўлиб, ўзининг ечимини кутаётган масалалар ҳали-бери кўплигини, ўйлайманки, ҳаммамиз, авваламбор, матбуот жамоатчилиги жуда яхши англаб, сезиб турибди.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, телерадиоэшиттиришлар, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатларига оид янги қонунларни қабул қилиш бўйича ишларни тезлаштириш кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, уларнинг ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳам ўзининг амалий ижросини кутиб турибди.

Бу қонунларнинг қабул қилинишидан ҳаммадан ҳам кўпроқ манфаатдор бўладиган сиз, журналистлар бу жараёнда ўз фикр-мулоҳазаларингиз, амалий таклифларингиз билан фаол иштирок этасиз, деб ишонаман.

Яна бир масала тўғрисида тўхталишни жоиз деб биламан. Бу ўринда гап давлат томонидан оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа корхоналари, матбуот тарқатувчи ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш учун уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш ҳақида бормоқда. Авваламбор, бу тузилмаларга янги йилдан бошлаб солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш бўйича имтиёзлар бериш режалаштирилмоқда.

Ана шундай имтиёзлар албатта оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини қоғозда эмас, амалда таъминлаш учун молиявий шароит туғдириб бериши, ушбу соҳада меҳнат қилаётган ишчи ва ходимларнинг даромадини, моддий фаровонлигини ошириш билан бирга, бошқа бир қатор соҳа ва тармоқлар ривожига ҳам катта таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Биз бу борада тараққий топган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, ушбу масаланинг ижросини қатъий назоратга олишимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа борки, у ҳам бўлса, матбуот соҳасида ҳалибери учраб турадиган ўткир мавзуларни четлаб ўтиш, ўзини ўзи назорат қилиш, мансабда ўтирган кишиларга итоатгўйлик, кимгадир ёмон кўринмаслик, воқеликка бир хил ёндашув каби камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқдир.

Соҳада кадрлар, хусусан, ёш журналистларни тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш, журналистик таълимга ихтисослашган олий ўқув юртларининг ўқув-методик базасини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, катта маҳорат ва ижодий тажрибага эга бўлган мутахассисларни, илғор педагогик технологияларни таълим жараёнига жалб этиш бўйича ҳам ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шулар қаторида халқаро майдонда информация соҳасида эришилган ютуқларни пухта ўзлаштириш, журналистларимизнинг ўз хорижий ҳамкасблари билан тажриба алмашиш тизимини янгича асосда йўлга қўйиш вазифаси ҳам долзарб бўлиб турибди. Барчамизга аёнки, бундай вазифаларни бажаришда замонавий медиа техника ва технологияларни, Интернет тизимида қўлланадиган тилларни пухта эгаллаш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, мустақил, янгича фикрлайдиган, истеъдодли ёшларга оммавий ахборот воситалари соҳасида кенг йўл очиб беришга қаратилган ишларни янада кучайтиришимиз зарурлигини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Бугунги кунда ахборот оламида Интернет даври келгани, интернет-телевидение, интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео каби кўплаб янги ахборот тарқатиш технологиялари қандай тез сурьатлар билан ривожланиб, уларнинг аудиторияси ва таъсир доираси тобора кенгайиб бораётгани ҳақида ортиқча гапиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман.

Бундай ахборот воситаларига асосан ёшларнинг жуда катта қизиқиш билан қараши ва улардан кенг фойдаланишини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам, бу масаланинг нақадар улкан аҳамиятга эга эканини англаш қийин эмас. Айтиш керакки, ёшлар билан тенг бўлиб, самимий ва самарали мулоқот қилиш учун мана шундай ахборот-коммуникация технологияларини барча журналистлар, биринчи навбатда, ёш журналистларимиз ҳар томонлама чуқур ва атрофлича эгаллаши кераклигини кимгадир тушунтириб беришга ҳеч қандай ҳожат йўқ.

Албатта, Интернет орқали дунёнинг исталган нуқтаси билан тезкор алоқа ўрнатиш, зудлик билан зарур ахборот ва маълумотларни олиш, билим ва маърифатни оширишда унинг беқиёс ўрни ва аҳамияти борлигини ҳеч ким инкор этолмайди. Биз одамларимизнинг Интернет имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишга бўлган интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Такрор бўлса-да, айтмоқчиман — ахборот оламида қандайдир девор ўрнатиш, ўз қобиғига ўралиб, маҳдудликка юз тутиш йўли бизга асло маъқул эмас.

Шу билан бирга, бугун ён-атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишга қаратилган ғаразли кучлар ҳам Интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Жамиятда тинчлик ва барқарорликни издан чиқаришга, ўзаро адоват ва тўқнашувларга сабаб бўладиган бундай хатарларнинг олдини олишнинг битта йўли бор: ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, дўстни душмандан ажратишга қодир бўлган, бизнинг қандай бой тарих ва меросга эга эканимизни англаб яшайдиган, имон-эътиқодли, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган инсонлар этиб вояга етказишимиз, бу масалани ҳеч қачон иккинчи даражали вазифа деб билмаслигимиз керак.

Муҳтарам дўстлар!

Журналист аҳлининг меҳнати, одамларга, жамоатчиликка таъсири ҳақида шахсан мен доим юксак фикрдаман. Матбуот минбаридан айтилган сўз қандай қудратли акс садо бериши мумкинлигини, унинг таъсири ва самарасини ошириш аввало сизларнинг маҳоратингиз, ижтимоий позициянгиз, инсоний ва ижодий фазилатларингизга, ҳамиша масъулият туйғуси билан иш олиб боришингизга боғлиқ эканини миллионлаб муштарийлар яхши билади ва сиздан айнан шуни кутади.

Ўз касбининг ҳақиқий устаси ва фидоийси бўлган, ўзининг ҳаққоний сўзи билан одамларни эзгу мақсадларга сафарбар эта оладиган, эл-юрт манфаати, халқимизнинг бугунги ва эртанги куни учун ёниб яшайдиган сиз, жонкуяр журналистларни мен ўзимнинг суянчим ва таянчим деб билишимни бугун яна бир бор айтмоқчиман.

Сизларни касб байрамингиз билан чин қалбимдан табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, янги-янги ижодий ютуқлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ФАОЛЛИК ВА ИЗЛАНИШ ОМИЛИ

Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот соҳасини давр руҳига ҳамоҳанг тарзда ислоҳ этиш, журналистларнинг эркин ва самарали фаолият юритиши учун барча зарур ҳуқуқий-ташкилий, моддий ва маънавий имкониятларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Бу соҳа ходимларидан масъулиятни, ижтимоий-маънавий бурчни астойдил ҳис этишни, Ватанимиз, халқимиз манфаатларининг том маънодаги ҳимоячилари бўлишни, янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимиз, кенг жамоатчиликка холисона, тезкор ва ишончли тарзда етказишни талаб этади.

4 »

НАМАНГАН:

БЕТИМСОЛ ЎЗГАРИШЛАР — ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТИ

Бугун жаҳон саҳнидан мустаҳкам жой олган, мафтункор ва бетакрор Ватанимизнинг қайси гўшасига боқманг, қайси манзилига борманг, юртни янада обод этиш истагида яшаётган юртдошларимизнинг эзгу ишларига гувоҳ бўласиз. Республикамизнинг энг обод вилоятлари қаторидан жой олган "Водий гавҳари" — Наманган вилоятида бошқа жойларда бўлгани каби асрий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Истиқлол вилоят аҳлига том маънода рўшнолик бахшида этди. Буни кенг қамровли бунёдкорлик ишлари, халқ фаровонлигини ошириш бўйича олиб борилган саъй-ҳаракатлар, саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларидаги ўзгаришлар, қолаверса, бошқа барча соҳалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

3 »



ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

Бугуннинг гапи

Ўтирган нени топар?

Ҳаётимизнинг бугунги фаровонлиги, дастурхонимизнинг тўкинлиги, тунларимиз осойишталиги-ю кўнгиллар хотиржамлиги истиқлол берган энг улуғ, энг азиз неъмат эканини доимо ҳис этиб яшашимиз керак.

Бундан йигирма йил илгари ҳаёт қандай эди? Очиғини айтганда, бу ҳақда камроқ ўйлаймиз. Ўшанда, аникроғи, 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида республикамиз ҳаёти ўта нотинч, иқтисодий ночорлик ўз таъсирини ўтказиб турган бир пайтда келажакка бўлган ишончни орттириш мушкул вазифа эди. Ёқилғи, энергетика, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни қондиришнинг ўзи бўлмасди. Ҳали тетапоя қадамларни ташлаётган мамлакат учун бу масалаларни ҳал этиш масъулияти кўндаланг турарди. Президентимиз Ислом Каримов XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида (1992 йил, июль) халқимизни, иқтисодиётимизни таъминлаш масаласида жуда катта хавф туғилганини эътироф этиб, бу хавфни бартараф этишдек катта муаммони ҳал этиш йўл-йўриқлари ҳақида қатор ташаббусларни олға сурди. Ўша кездаги статистика маълумотларига кўра аҳолиси йигирма бир миллион нафар катта бир халқни боқиш осон иш эмасди, албатта.

Шундай паллада энг улкан вазифалардан бири — ер масаласида ўзига хос ислоҳотлар амалга оширилди. Чунончи, ўша оғир кунларда одамларга, хўжаликларга иқтисодий эркинлик бериш, томорқа учун ер ажратиш ҳақида муҳим қарорлар қабул қилинди. Натижада одамларда мулкка эгалик, даромаддан манфаатдорлик ҳисси уйғонди. Шу тарзда бугунги маъмурчиликнинг пойдеворига асос солинди. Меҳнат қилган одам кам бўлмаслигини янги давр одамлари англай бошлади.

Одатда саранжом-сариштa файзли хонадонга кириб борганда муҳташам, кўркам уй-жой, иморатлар билан бир қаторда тартиб билан ишлов берилган ер ҳам ярқ этиб кўзга ташланади. Ҳозир шундай уйлар борки, улардаги бир парча ерда гулу гулзор қилиниб, рўзғор учун зарур экин-тикинлар экилган бўлади. Баъзан эса айрим жойларда кенг ҳовлилардаги қаровсиз ётган ерни кўриб ачинасан, киши. Ҳар икки ҳолатни солиштириб Худо берган табиий неъматлардан, шу жумладан, она ер саховатидан фойдаланиб, ер билан тиллашиб, бу билан ўзининг ҳам, аҳолининг ҳам манфаати йўлида хизмат қилаётган одамларга ҳар қанча ҳавас қилсанг арзийди.

Жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб номланиши замирида олам-олам маъно мужассам. Зеро, тадбиркорликни йўлга қўйган, тадбир билан иш тутган инсон фақат ўзининг эмас, балки юртининг фаровонлигини ҳам таъминлашга ҳисса қўшади. Аждодларимиз меҳнат ортидан нон топган, рўзғор тебратиб бола-чақа боққан, эл-юрт манфаатини ҳимоя қилган, орзу-ҳаваслари рўёбини кўрган.

Бугун юртимизда меҳнат қилаётган заҳматкашлар учун барча имкониятлар мавжуд. Чунончи, деҳқончилик соҳасида олиб борилган ислоҳотларнинг самараси ўлароқ юртимиз боғу роғларга бурканди. Дастурхонларимиз тўкин-сочин. Хирмонлар тоғлар билан бўйлашмоқда. Деҳқон меҳнат қилса биринчи галда ўзи манфаатдор бўлишини, бундан барча юртдошларимиз манфаат топишини тўлалигича англаб етди. Республикамиз шароитида 70-80 фоиз моддий бойлик айнан қишлоқ хўжалигидан, аграр тармоқдан олиниши бор гап. Экилган ниҳоллар ҳам йиллар ўтиб азим дарахтларга айланади. Шиғил мевалари, баракали ҳосили дастурхонни безайди.

Бугун ғайратли, меҳнаткаш инсонларнинг саъй-ҳаракати натижасида юртда тўкинлик, ободлик. Бозорлардаги маъмурликни кўриб кўзинг қувнайди. Бободеҳқон меҳнатига тасанно, дегинг келади. Ҳатто қишда ҳам барча мева-чевалар муҳайё эканлиги деҳқонларимизнинг бетиним меҳнати маҳсулидандир.

Юртдаги ободлик, фаровонлик ўз навбатида халқимиз турмуш даражасининг юксалишига олиб келмоқда. Бугун қишлоқларда ҳам шаҳарлардагидан асло қолишмайдиган уй-жойларнинг барпо этилиши оддий ҳолга айланди. Намунавий турар жойлар қишлоқлар кўркига – кўрк, чиройига – чирой қўшмоқда. Шу ўринда бир мулоҳазага эътиборни қаратмоқчи эдим. «Намуна» сўзи ўрнак олиш маъносига эга. Бундан кўринадики, биз яхши хулқимиз билан бир-биримиздан ўрнак олишимиз, бир-биримизга намуна бўлишимиз зарур. Бинобарин, янгича турмуш тарзи, янгиланиш, юксалиш пиллапоялари сари дадил одимлаётган юртимиз билан олға қадам ташлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Замон билан ҳамқадам бўлаётган юртдошларимиз том маънода тадбир билан иш тутиб нафақат ўзи, балки юртимиз фаровонлигини таъминлашга беқиёс улуш қўшаётгани эса қувонарли ҳол. Бироқ беш бармоқ баробар бўлмагани каби баъзида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек бор имкониятдан ҳам фойдаланмаётган, лоақал ўз ҳовлисидаги ернинг ободлигини таъминламаётганларнинг учраб туриши бориб турган ялқовлик эмасми?

Ҳовлида ери, экин қилиш учун шароити бўла туриб бозордан ош масаллиқлари билан бирга помидор, бодринг, кўкатгача сотиб олган танишимдан беихтиёр: «Нега ҳамма нарсани сотиб оляпсизлар? Бундай маҳсулотларни ҳовли-жойи бор одамлар одатда уйларида экишади-ку?» дея сўрадим. У эса: «Ахир бозорда ҳамма нарса тайёр бўлса, экишга нима ҳожат?» деб жавоб қайтарди. Тўғри, унинг гапида жон бор. Ҳозир афсонаю эртакларда айтилганидек одам жонидан бўлак ҳамма нарсани бозорларимиздан топса бўлади. Лекин бу дегани меҳнат қилмай ўтираверса бўлади, дегани эмас-да. Эринчоқлик, ялқовлик кишидаги ғайрат-шижоатнинг сўнишига олиб келади, холос. Қолаверса «экин-тикин» деганда маъмурчилик тушунилган. Ахир маҳсулот қанча кўп бўлса, нархи шунча арзон бўлиши ҳаммага аён-ку.

«Умматларим ичида энг қаттиқ қўрққан жиҳатларим: қорин солиб семириш, серуйқулик, дангасалик ва сустэтиқодда бўлишликдир», дейилади бир ҳадисда. Демак, кишидаги бу каби салбий хусусиятлар унинг меҳнат ва ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Юртимиз аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқ жойларида яшайди. Ҳовлиларда эса кундалик эҳтиёжларини қондиришга етгулик экин қиладиган чоғроққина ер, албатта, топилади.

Маҳалламизда Нўъмон ота деган мўйсафид бўларди. Раҳматлини каттаю кичик бирдек ҳурмат қиларди. Эсини таниган одам борки, у кишининг умри деҳқончиликда ўтганини яхши билади. Сира тиним билмайдиган Нўъмон ота ҳовлисидаги ерларни яшнатиб қўйибгина қолмай, дарвозаси олдидаги кафтдек ерга ҳам меҳр билан ишлов берарди. Эрта баҳордан то кеч кузгача кўча юзасидаги бежирим қилиб ўраб олинган боғда ғимирлаб юрарди. Хонадон учун картошка, пиёз, сабзи, шолғом, помидор, бодринг сингари маҳсулотларни бозордан сотиб олишга эҳтиёж йўқ эди. Ота оламдан ўтгач, ўша мўъжазгина ердан ҳам файз кетди. Ўғиллари эртадан кечгача ишда. Келинлар эса ер чопишни ўзига эп билишмайди.

Бундай ўйлаб қаралса, ер, томорқа билан боғлиқ фаолиятни замона тили билан айтганда «Оилавий бизнес», деб аташ мумкин. Мамлакатимиз банк-молия муассасаларида бу бизнеси янада ривожлантириш учун мухсус кредитлар ажратилмоқда.

Тасаввур қилинг, шундай ишларга имконияти бор оилаларда ер билан боғлиқ фаолият билан шуғулланилса, қанча одам ишли бўлади. Бунинг устига бозор маҳсулотга, тўлади, пировардида турмуш янада фаровонлашади. Бунинг учун одамда бор-йўғи ҳафсала бўлса бас.

Ҳар куни ишга кетаётиб уйимиз ёнидаги кўп қаватли уйнинг бир хонадони эътиборимни тортади. Менимча, барча йўловчилар бешинчи қаватдаги ўша хонадонга бир назар ташлаб ўтса керак. Чунки уйнинг деразасидан қишин-ёзин барқ уриб яшнаб турган гуллар кўзга ташланади.

... Бозор ниҳоятда гавжум. Ким харидор, ким сотувчи. Мактабда сабоқ берган ўқитувчимиз Йўлдош ака ҳозир нафақада бўлиб, ҳовлисидаги бир кафт ерда унган кўкат билан савдо қилаётган экан.

— Томорқаси борнинг баракаси бўлади, деганлари рост экан, — дейди у киши. — Ерда меҳнат қилган одам сира кам бўлмайди. Ўғил-қизлар, келин, набиралар билан бирга кичиккина томорқада ишлаб ҳам рўзғор обод бўлаяпти, ҳам даромад топаяпмиз. Бунинг гашти бўлакча.



Дарҳақиқат, меҳнатдан келган бойлик, даромад ҳисобига турмуш ҳамиша чиройлидир. Йўлдош акага ўхшаб мўъжазгина томорқасидан барака топаётган, орзу-ҳавас қилаётганлар озмунчами орамизда?

Шу ўринда бир ҳамкасбимнинг сафар таассуротлари ҳақидаги ҳикояси ёдимга тушди.

У хизмат сафари билан юртимиз гўшаларида бўлганида оддий қишлоқ хонадонида учратган манзарадан ҳайратланибди. Мўъжазгина ҳовлида бир қарич ҳам бўш ер қолмаган. Гуллар экилган. Ҳатто дарахт шохларига осиб қўйилган машина баллонлари туп-роқ билан тўлдирилиб гуллар, манзарали экинлар яшнаб турган экан. Бу инсон қўли гул, ҳатто тошда ҳам гиёҳ ундира олади деганларининг исботи эмасми?

Замона зайли билан турмуш тарзимизга катта ўзгаришлар олиб кирди. Татбиқ этилаётган янгиликлар ҳаётимизни тамомила қамраб олди. Соддароқ қилиб айтганда, кундалик ҳаётимизда ҳар бир жараёнда қўлланилаётган техника воситалари оғиримизни енгил, узоғимизни яқин, мушкулимизни осон қилмоқда. Аксарият юмушларимизни техникалар ўз зиммасига олди. Биз эса бироз ҳафсала ва жиндек меҳнат қилсак, бас. Ҳаёт кечириш йўлида кўзланган мақсад сари дадил интилган киши меҳнати самарасидан албатта баҳраманд бўлади. Бу орқали фаровон ҳаёт кечиради. Ҳолбуки, халқимизда «Интилганга толе ёр», «Из қувган излаганини топар», «Қидирган гавҳар топар, ўтирган нени топар» сингари мақоллар бежизга айтилмаган. Зотан, юрт келажаги, фарзандлар истиқболи учун ўзини дахлдор деб билган ҳар бир киши меҳнати туфайли кўзлаган мақсадга эришиши айни ҳақиқатдир.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
«Hurriyat» мухбири

Анжуман

Тадбиркорлик равнақи йўлида

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида республика Марказий банки томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлар билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда таъкидланганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 2011 йилнинг январь — май ойлари давомида тижорат банклари томонидан 1 триллион 486 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 баробар кўп кредитлар ажратилди. Шундан 295,2 миллиард сўми микрокредитлар ҳиссасига тўғри келди. Шунингдек, озиқ-овқат, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 294 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 142,4 миллиард сўм миқдорида кредитлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун 21,6 миллиард сўм, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун 11,2 миллиард сўм ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга 6,8 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан тадбиркорлик субъектлари жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 11,4 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар билан таъминланди. Йил якунига қадар мазкур жамғарма маблағлари ҳисобидан 24 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари ва тижорат банкларининг жойлардаги филиаллари томонидан ҳар бир шаҳар, туман, қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролари йиғинларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хусусан, оилавий бизнесни ривожлантириш бўйича учрашувлар ташкил этилиб, бу борада тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан яратилган имтиёз ҳамда преференциялар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитларини тушунтириш мақсадида жойларда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар, ҳокимликлар, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалий учрашувлар ўтказилаётир.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Бола ҳуқуқлари

Муносабатлар ҳимояланган

Болапарварликда халқимизга тенг келадигани йўқ. «Ўнта бўлса ўрни бошқа» деган нақл ҳам айнан бизнинг одамларимиз табиатидан келиб чиқиб яратилган. Бола тарбияси мамлакатимизда ҳамиша устувор вазифа саналади. Бунга оилада ота-она, маҳалла-кўйда қўни-қўшнилар, боғча ва мактабларда мураббийлар, устозлар ҳамиша масъулият билан қарашган.



Ватанимиз мустақилликка эришгач, болалар ҳуқуқларига доир талай қонунлар қабул қилинди. Бу эса болалар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштиришга хизмат қилди. Қайд этиш мумкин: бола ҳуқуқларининг шундай муҳим жиҳатлари борки, уларни ҳар бир киши, ҳаммамиз билишимиз зарур. Хусусан, боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан, ота-она (улардан бири) болани тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқи, қонуний манфаатлари ҳимоя қилишини сўраб, васийлик ва ҳомийлик органига, ўн тўрт ёшга тўлганидан кейин эса мустақил равишда судга мурожаат қилиши мумкин. Шунингдек, боланинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғилганидан, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганидан хабардор бўлган шахслар бу ҳақда бола яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига маълум қилиши шарт. Бундай маълумотларни олгач, васийлик ва ҳомийлик органи болани ҳимоя қилиш юзасидан зарур чораларни кўришга мажбур.

Республика Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 мартда давлат рўйхатидан ўтказилган «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги йўриқноманинг 66-бандида вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган фуқарога қарашли уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини ёки шу мулкдаги улушни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимни тасдиқлашда нотариус ушбу йўриқноманинг 39-бандига риоя қилиши кўрсатилган. Унга кўра, ўн тўрт ёшга тўлмаган болалар учун битимларни уларнинг номидан фақат ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин. Васийлик суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Битимларни муомалага лаёқатсиз деб топилган бола номидан унинг васийси амалга оширади.

Васийликдаги шахс номидан ҳадя шартномаси тузишга йўл қўйилмайди. Бу қоидалар ота-оналар (фарзандликка олувчилар) томонидан ўзларининг вояга етмаган болаларига васийлик, ҳомийлик қилувчилар сифатида тузиладиган битимларга ҳам тегишли. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларнинг ёзма розилиги асосида тузадилар. Бундай битимларни тузишда ота-оналарнинг розилиги талаб қилинади. Ҳомийлик суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан ҳам белгиланади. Бундай болалар битимларни ҳомийнинг розилиги билангина амалга оширадилар.

Битимда вояга етмаган бола қатнашганда маҳалла фуқаролар йиғини ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг ушбу боланинг сурати ёпиштирилган маълумотномаси талаб этилади. Маълумотномадаги сурат маҳалла фуқаролар йиғини ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг муҳри билан тасдиқланади. Агар вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахслар номига уй, квартира расмийлаштирилган бўлса, нотариус бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларини ёзма равишда хабардор қилади.

Оила кодексининг 184-моддасига асосан васий васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиги асосида васийлигидаги бола номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битим (шартнома)ларни тузишга, болага қарашли мол-мулкни тақсимлаш, бир йилдан ортиқ муддатга гаровга қўйиш ёки ижарага беришга, васийликдаги бола номидан мерос ёки ҳадя олишдан воз кечишга, васийлигидаги болага қарашли турар жойни айирбошлашга, васийлигидаги болага тегишли ҳар қандай ҳуқуқдан воз кечишга ҳақли.

Дилноза АДИЛОВА,
Юнусобод тумани
1-сонли давлат нотариал
идораси нотариуси

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

НАМАНГАН:

БЕТИМСОЛ ЎЗГАРИШЛАР – ИСТИҚЛОЛ НЕЪМАТИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Юртбошимизнинг 2009 йил 6 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш Дастури тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 24 августдаги «2009-2012 йилларда Наманган вилоятида кичик бизнес, тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги ҳаётбахш қарорлари бугун Намангандаги янгиланиш, қурилиш ва ободончилик, қўйингки, эзгу ишларнинг барча-барчасида ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

Гапни узоқроқдан бошлайлик: Фарғона водийсини пойтахт билан боғловчи Тошкент — Ўш йўлининг кенглиги, равонлиги, туннелларнинг бежиримлиги, умуман йўловчиларга яратилган шарт-шароитлар ҳавас қилса арзигулик. Илгари фақат пахта хомашёси етиштиришга мажбур этилганимиздан вилоятларда асфальт йўл ёнигача пахта экилар, олтин водийда яшасакда, мева-сабзавотларни тўйиб истеъмол қилолмасдик. Бугунчи? Довондан тушиб, Қўқон йўлидан Наманган сари бурилсангиз ўзингиз гувоҳ бўласиз. Ишкомларга таралган токлар, сархил мева дарахтлари, улар остидаги резаворлар... Деҳқонлар ўз меҳнати маҳсулини меҳмонларга тортиқ этади. «Еганингизга пул олмаймиз», дейишади улар. Бир-икки пақирини баҳолайсиз, икки ёки уч минг сўм... Бундай маъмурчилик фақат Истиқлол шарофатидан, албатта.

Наманган шаҳрига кириб келсангиз ўнгда муҳташам аэропорт, чапда виқор билан савлат тўкиб турган Миллий банкнинг вилоят бошқармаси биноси, икки томонда савдо ва сервис хизмати шохобчалари қад ростлаб турибди. «Дўстлик» шоҳкўчасидан юрсангиз бежирим ер ости йўли Фарғона ҳалқа йўлига олиб боради. Тўғри йўналсангиз шаҳарга юзланасиз. «Яшил» деҳқон бозори, унинг маҳсулот тўла расталари кўзингизни қувонтиради. Бу ерда олиб борилган қайта таъмирлаш ва ободончилик ишларидан сўнг бозор ҳудуди икки баробар кенгайиб, 3,2 гектарга етди, савдо ўринлари сони эса 484 тага кўпайди. Шунингдек, янги барпо этилган 100 га яқин савдо шохобчалари, кўплаб гўшт, сут, полиз маҳсулотлари павильонлари, 200 та автомобилга мўлжалланган автотураргоҳ аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Бундай хайрли ишлар «Чорсу» ва «Сардоба» деҳқон бозорларида ҳам амалга оширилмоқда.

«Камолот» ёшлар боғи ўсмирларнинг чинакам оромгоҳига айланди. Унинг обод бўлиши учун 3 миллиард сўм маблағ сарфланди. Боғ ҳудудидан ўтувчи Тўрақўрғон канали ушбу боққа мўътадиллик бахш этмоқда. Унинг бўйидаги «Ширинлик» павильонлари, «Музқаймоқ» шохобчалари бу ерга ташриф буюрувчилар кўнглига завқ-шавқ улашмоқда. Гимнастика зали, мусиқа мактаби, «Велотрек», «Дельфин» сузиш ҳавзаси ёшлар ихтиёрида.

Амир Темур ва Ҳамроҳ кўчаларидан борсангиз ҳам, Заркент кўприги даҳасидан Навоий кўчаси бўйлаб юрсангиз ҳам Чорсу даҳасига етасиз. Бунгача яна бир неча иншоотлар бор. «Дўстлик» буюм бозори, Тўрақўрғон кўчасида «Алоқабанк» биноси, замонавий хизмат шохобчаларини кўриб дил яйрайди. «Кичкинтой» боғининг ташкил этилгани ажойиботлар оламига ошно қалбларни янада завқлантирмоқда.

«Истиқлол» кўчаси, шу ерда жойлашган «Спорт мажмуаси», Бобуршоҳ кўчасидаги замонавий бинолар, турар жойлар... Янги қурилган ёки замонавий тарзда мукаммал таъмирланган таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, спорт ва санъат иншоотлари-ю, маданий-маиший масканларнинг ҳар бири ҳақида гапирганда кўнглимиз фақат ифтихорга тўлади, Истиқлол неъматларига шукроналик ҳиссини туямиз...

Навоий театри, «Ёшлар маркази», Бобур номли боғ, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси биноси бутунлай янги қиёфа касб этди. Бунга қўшимча халқаро молия институтларининг кредит маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган шаҳар ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган лойиҳалар...

Бугун фақат Наманган шаҳри эмас, барча туман марказлари кўркамлик оғушида. Янги-янги намунавий турар жойлар қурилиб, юзлаб оилаларда ҳовли тўйлари ўтказилди. Болалар боғчалари, мактаб ва коллежлар, спорт мажмуалари келажагимиз эгалари ихтиёрида.

— Ҳозир биздаги ҳаёт шаҳардагидан асло қолишмайди, — дейди Наманган туманидаги «Хонобод» қишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли Нўъмонжон Жўраев. — Халқ қўшиғи бўларди: «Бир келиб-кетинг, қишлоғимизга...» деган. Бу таклифни бугун мен ҳам баралла айта оламан.

Вилоятда 110 та объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди. Бунинг учун барча манбалар ҳисобидан 200 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Биргина Наманган шаҳрида бунёд этилган 5 та умумтаълим мактаби, замонавий услубда таъмирланган 19 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та мусиқа ва санъат мактаби, бир нечта спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди. 578 та кўп қаватли уйга 550 та ҳомий ташкилот бириктирилди. 496 та кўп қаватли уйнинг юза қисми таъмирланди. 228 та кўп қаватли уй ҳовлисида болалар майдончалари ташкил этилди. Наманган, Поп, Учқўрғон ва Косонсой туманларидаги турар жой биноларида 4 миллиард 740 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Вилоятдаги 16 та даҳада 500 та уй-жой бунёд этилди.

Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақилликнинг йигирма йиллиги арафасида Чортоқ туманидаги «Деҳқонобод» маҳалласи аҳли қурувчилардан ажойиб туҳфа олди. Ҳудуддаги «Ўзбекистон» қишлоқ врачлик пункти реконструкция қилинган бинога кўчирилди.

— Илгари тор ва мослаштирилган бинода беморларни қабул қилар эдик. Тўлақонли тиббий хизмат кўрсатиш учун мутлақо шароит йўқ эди, — дейди ҚВП мудири Абдухалил Каримов. — Ҳомийлар ташаббуси, туман ҳокимлигининг мадади билан 16 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига ҳавас қилса арзигулик шифо масканга эга бўлдик. Кўркам бинодаги шинам хоналар энг сўнгги русумдаги тиббиёт асбоб-анжомлари билан жиҳозланди. Шу боис, ташҳис қўйиш, таҳлиллар ўтказиш, муолажалар олиб бориш сифати яхшиланди.

Жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши наманганлик ишбилармонларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Ҳамма яхши биларди, мамлакатимиз бозорларини тўлдираётган ҳунармандчилик буюмларининг аксарият қисми наманганлик ҳунармандлар меҳнати маҳсули. Тўй-маърака, қуда-андалар учун чопон, белбоғ ва қийиқчалар, бош ва оёқ кийимлари, уй-рўзғор учун кўрпаёстиқлар, нақшинкор эшик, бешик ва каравотлар... Буларнинг саноғига етиш қийин.

Наманган туманидаги «Замин Туркистон» масъулияти чекланган жамиятида ўтган йили 1 миллиард 267 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. 108 минг АҚШ долларига тенг экспорт амалиёти бажарилди. Чет элникидан қолишмайдиган костюм-шимларнинг довруғи олисларга етди. «Ташаббус — 2011» кўрик-танловининг вилоят босқичида унинг 20 турдаги маҳсулоти кўргазмага қўйилди. «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича биринчи ўринни олган жамоа раҳбари Бахтиёр Умаровга давлатимиз раҳбарининг совғаси — «Spark» автомобили топширилди.





Учқўрғон туманидаги «Идрис чокининг боқийлиги» хусусий корхонасида ғоят бежирим, сифатли эркаклар кўйлаклари тикилиб, савдо шохобчаларига етказилмоқда. Косонсойдаги «Кушон зилол сув жавоҳири» МЧЖнинг оҳорли сочиқлари, уйчилик хусусий тадбиркор Илҳомжон Ибрагимовнинг миниатюра усулида ишлаган қутичалари ҳам харидорларга манзур келаяпти.

Наманган шаҳридаги «Само таъмир сервис» масъулияти чекланган жамият ҳам яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, савдо, умумий овқатланиш шохобчалари, қассобхона, дорихоналар ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектларига зарур бўлган витрина-музлатгич, стеллаж-музлатгичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Аввалига уй-рўзғор буюмлари ва маиший техника воситаларини таъмирлаш устахонасини бошқараётган ёш тадбиркор Рустамжон Тошхўжаев мамлакатимизда ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган кенг имкониятларга жавобан корхонасининг ички имкониятлари ва ўз ҳисобидан киритган 30 миллион сўмлик инвестиция эвазига хомашё ва бутловчи қисмлар захирасини яратди. Пировардида ўтган йилнинг иккинчи ярмидан ойнаванд музлатгич ва стеллажларнинг дастлабки моделларини тайёрлашга киришди. Айни кунда фақат двигатель билан компрессорлар четдан олиб келиняпти, холос. Бошқа деталлар корхонанинг ўзида тайёрланмоқда. Эътиборли жиҳати, янги лойиҳа амалга татбиқ этилиши билан корхонада йигирма киши иш билан таъминланди.

Ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларга яратиб берилаётган кенг имконият ва имтиёзлар ҳамда қулай инвестицион муҳитнинг самараси, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг жадал ривожланаётганида, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар билан ички ва ташқи бозорга кириб бораётган корхоналар сафи кенгайиб бораётганида ўз ифодасини топмоқда. Чуст туманидаги "Стайлтекс" масъулияти чекланган жамият ҳам ана шундай корхоналар жумласидан. Замонавий тикувчилик технологияси билан жиҳозланган корхонада трикотаж маҳсулотлари тайёрланиб, маҳсулотнинг салмоқли қисми ташқи бозорга чиқарилмоқда. Қувонарлиси, корхона ва россиялик ҳамкорлар ўртасида 2014 йилда Сочида бўлиб ўтадиган қишки олимпиада иштирокчилари учун зарур бўлган трикотаж маҳсулотларини тайёрлаб бериш юзасидан шартнома имзоланди.

Дарҳақиқат, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибига кирувчи мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаклар ўзининг сифати, бежиримлиги, замонавий дизайни билан тобора харидоргир бўлмоқда. Буни қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. 500 га яқин киши меҳнат қилаётган корхонада 2010 йилда «Стайлтекс» ёрлиғи билан ташқи бозорга чиқарилган маҳсулотлар қиймати 2 миллион 523 минг АҚШ долларига тенг қийматни ташкил қилган бўлса, жорий йилда ташқи бозорга экспорт қилинадиган маҳсулотлар қиймати бир неча баробарга ортиши кутилмоқда.

Вилоятда саноат ишлаб чиқариши ҳажми ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш — 2,3 баробарга, пойабзал — 6,4, тикувчилик — 4,7, трикотаж маҳсулотлари эса 5 баробарга ортди. Қарийб 55 та қўшма корхона узлуксиз ишлаяпти. «UzChasys», «Инветтекстил», «Мега текстил», «Чортоқ Дайхан текстил»да иш шитобли. «Узрубероид», «Карбонам», «Косонсой-парранда», «Шарқ пойабзал фабрикаси», «Қўғайтаъмирлаш», «Нотўқимачи» каби 21 та корхонада техник модернизация ва молиявий соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Наманганда донгдор фермерлар кўп. Уларнинг карвонбошиси, шубҳасиз, Косонсойдаги «Чашмаи Сафед» фермер хўжалиги раҳбари, «Шуҳрат» медали, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Ҳамидхон Мўйдинхўжаевдир. «Ташаббус — 2010» кўрик-танлови республика босқичининг ғолиби 1994 йили 30 гектар ер, 28 қорамол, 4 нафар ишчи билан фаолият бошлаган эди. Ҳозир эса хўжаликда 272 гектар ер, 687 бош зотдор қорамол бор. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури — 28 хил. Ишловчилар сони — 280 нафар. Бугун «Чашмаи Сафед» маҳсулотлари рекламасиз ҳам ҳалқимизнинг дастурхонини безамоқда.

Шунингдек, Учқўрғон туманидаги «Жўрабой ота ҳожи», Тўрақўрғон туманидаги «Султон», Янгиқўрғон туманидаги «Мурод Султон бува» фермер хўжаликлари уста фермерлар қаторидан жой олишган. Улар ўз ташаббуслари билан амалга ошираётган хайрли ишлар тилларда достон.

Миллийлигимиз рамзи атласу адрасларнинг ноёб хомашёси — ипак қуртини меҳр билан парваришлаш туфайли вилоятда режа аллақачон уддаланди. Бугун-эрта бошоқли дон етиштириш бўйича зиммага олинган режалар ҳам бажарилади. Бунинг учун махсус ўрим отрядлари тузилган. Тўғриси, хирмон донга, уйимиз нонга тўладиган онларни ҳавас қилмаганмидик? Бу ҳавас Истиқлолдан сўнг ҳақиқатга айланди ва биз дон мустақиллигига эришдик.

Гапнинг индаллоси, бугун наманганликлар Ўзбекистоннинг дадил одимига тенг қадам ташлашга ҳаракат қилмоқдалар. Бу ҳаракатнинг ҳақиқий баҳосини вилоятимизга қадам ранжида қиладиган меҳмонлар беришар. Кузатишларимиз сўнггида ёш шоира Меҳриноз Аббосованинг қуйидаги шеърини келтиришни ўринли деб топдик.

Манзилга элтмайди
майда қадамлар,
Майда орзуларга
бермайлик қанот.
Майда гап-сўзларни
қўйинг одамлар,
Токи майдалашиб кетмасин
ҳаёт.

Майда дардлардан ҳам
асрангил юрак,
Катта шеъриятни
сол дилистонга.
Катта мақсад,
катта қадамлар керак,
Катта йўлга чиққан
Ўзбекистонга!

Раҳимжон ИРИСОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими раиси,
Иномжон АБДИЕВ,
«Hurriyat» мухбири



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ФАОЛЛИК ВА ИЗЛАНИШ ОМИЛИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Юртимизда кенг нишонланаётган 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда шулар хусусида сўз юритилмоқда.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилишда ҳам бу ўз ифодасини топди. Унга вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, ноширлар, матбаачилар, фахрий журналистлар, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов ва бошқалар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида оммавий ахборот воситаларини босқичма-босқич равнақ топтириш, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини ошириш, бунинг учун барча шарт-шароитларни яратиш масаласи Юртбошимизнинг доимий эътиборида эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим кафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Бир қатор қонун ҳужжатларининг бугунги давр руҳига ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб бораётгани оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, соҳадаги демократик ислоҳотларни тобора чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Оммавий ахборот воситаларини модернизация қилишни ривожлантириш самарасида Ўзбекистонда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 мамлакатига 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Соҳа ривожи йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик натижасида кейинги ўн йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар ошди. Мавжуд телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканаллар, веб-сайтларнинг эса 86 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг етти тилида фаолият олиб бормоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида миллий оммавий ахборот воситалари учун янада кенг имкониятлар очиш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш юзасидан устувор йўналишлар белгиланган. Жумладан, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, унинг ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги алоқаларини тобора кучайтириш, миллий ахборот маконини изчил ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институти сифатидаги аҳамиятини кучайтиришда муҳим ўрин тутади.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган "Йилнинг энг фаол журналисти" республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар миллий оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиш, ижодкорлар меҳнатини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётгани учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ЖАМОА ҚУТЛОВИ

Ҳамкасбларимиз — таҳририят бўлим муҳаррирлари — Иномжон Абдиевни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2010» танлови совриндорлари сафидан ўрин олгани, Азимжон Рўзиевни Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш, аҳолини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга оид мавзуларни фаол ва кенг ёритгани учун Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг эсдалик совғаларига сазовор бўлгани муносабати билан чин дилдан қутлаймиз. Уларга ижодий баркамоллик, келгуси фаолиятларида юксак муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси **“ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2010”** танлови ғолибларини эълон қилади:

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ:

Александр АКИМОВ — *«Дўстлик байроғи» ва «Знамя дружбы» газеталари таҳририяти мухбири (Навоий вилояти)* — Вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларга бағишланган туркум мақолалари учун

Фаррух БЎТАЕВ — *“Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири* — Мамлакатимизда демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид таҳлилий материаллари учун

Меҳрибон МАМЕТОВА — *Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Республика ахбороти таҳририяти шарҳловчиси* — Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг самараларини аҳолининг кенг қатламларига ва халқаро жамоатчиликка етказишга қаратилган мақолалари ва интернет саҳифаларидаги материаллари учун

Баҳодир МУСАЕВ — *«Дарё» газетаси муҳаррири (Қашқадарё вилояти)* — Вилоятнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги ислоҳотларни кенг ёритган туркум мақолалари учун

Турғунбой НОРҚУЛОВ — *«Сирдарё ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири ўринбосари* — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги мавзуидаги ҳамда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳадаги замонавий уй-жойлар қурилишига бағишланган мақолалари учун

Ариухан ТУРЕКЕЕВА — *«Қарақалпақстан жаслари» газетаси масъул котиби* — «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросига ҳамда юртимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ижодий ишлари учун

Абдурозиқ ҲАЛИМОВ — *ЎзМТРК «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион дастурлар бош муҳарририяти мухбири* — Юртимизда юз бераётган воқеаларни ва халқаро кўламдаги муҳим тадбирларни тезкорлик билан ёритгани учун

Дилфуза ШОМАЛИКОВА — *«Ғунча» журнали бош муҳаррири* — Болалар спортини ривожлантиришга оид туркум мақолалари учун

Баҳодир ЭШБЕКОВ — *Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси телекўрсатувлар муҳаррири* — Халқаро терроризм, диний экстремизм ва одам савдосига қарши кураш масалаларига бағишланган материаллари учун

Умида ҚЎШОҚОВА — *Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциациясига қарашли «Шарқ» телевидениеси мухбири (Наманган вилояти)* — Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалаларига оид ҳамда миллий қадриятларни ва анъаналарни тарғиб қилишга бағишланган кўрсатувлари учун

Қуйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:

Иномжон АБДИЕВ — «Ҳуррият» мустақил газетаси бўлим муҳаррири

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ (Тошкент вилояти) — Ўртачирчиқ тумани ҳокимлиги нашри — «Машъал» газетаси бўлим мудири

Махиёрахон БОЙБОБОЕВА — Фарғона давлат университети филология факультети талабаси

Сайёра БЎРОНОВА (Жиззах вилояти) — Вилоят телерадиокомпанияси бўлим мудири

Элёр ГЎРЎҒЛИЕВ Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциациясига қарашли «Ишонч» телевидениеси бош муҳаррири

Дилфуза ЗАРИПОВА (Сурхондарё вилояти) — «Сурхон тонги» газетаси мухбири (интернет-журналистика)

Меҳри Мустанова — «Ёшлар» телерадиоканали ЁАЖ «Давр» информацион радиодастурлар муҳарририяти муҳаррири

Муҳайё МУХТОРОВА — «Аёл қалби» газетаси бош муҳаррири

Зуҳра РАМАЗОНОВА (Бухоро вилояти) — Вилоят телерадиокомпанияси телекўрсатувлар муҳаррири

Қадамбой САЛАЕВ (Хоразм вилояти) — Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ — «Адолат» газетаси мухбири

Ўткирбек УМАРОВ — «Диёнат» газетаси бирлашган таҳририятининг жамоатчи мухбири

Наргизахон ЭШОНОВА (Андижон вилояти) — Вилоят телерадиокомпанияси телекўрсатувлар катта муҳаррири

Темур ҚУРБОНБОЕВ — «Маънавият« нашриётининг жамоатчи фотомухбири

Жамила ҲАЙДАРОВА — «Соғлом авлод» газетаси таҳририяти МЧЖ директори ўринбосари

Тадбир

Жорий йилнинг 21-26 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан республика Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслар маркази, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда медиа кунлар ўтказилди.

Самарқандда медиа кунлар

Тадбир доирасида Самарқанд шаҳридаги “Afrosiyob palace” меҳмонхонасида мамлакатимиздаги биринчи нодавлат телевидение ҳисобланган STV телерадиокомпанияси ташкил этилганига 20 йил тўлиши муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Самарқанд вилоят ҳокими З.Мирзаев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, “Зарафшон” газетаси бош муҳаррири Ф.Тошев, STV телевизион ижодий уюшмаси директори Ф.Абдухолиқов, республика нодавлат нотижорат телетармоқ ходимлари, жамоатчилик вакиллари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларига берилаётган эътибор, уларнинг жамиятда тутган ўрни ва роли хусусида батафсил сўз юритдилар.

— Ахборот асрида тезкорлик ва холислик асосий ўрин тутади, — деди Ф.Тошев. — Бу талабга жавоб бериш учун оммавий ахборот воситалари ўртасида соғлом рақобат муҳити шаклланиши керак. Мазкур жараёнда нодавлат телерадиокомпанияларнинг ўрни беқиёс. Бугунги кунда давлат ва нодавлат ОАВ ўртасида соғлом рақобат вужудга келиб, соҳада жадал ривожланиш давом этмоқда.

Кейинги кунлари «Оммавий ахборот воситаларининг молиявий-иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, демократик ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш» мавзуидаги конференция, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти лойиҳаси доирасида ҳудудий Ёшлар телестудияларининг журналист ва техник ходимлари учун АҚШнинг «National Geographic» телеканали мутахассиси, тажрибали телетасвирчи Жон Хазард иштирокида семинар-тренинг машғулотлари ўтказилди. Шунингдек, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда чет эллик малакали мутахассислар иштирокида нодавлат телерадиостанциялар раҳбарлари учун «Журналистларнинг ахлоқ кодекси» мавзуида семинар-тренинг ҳам ташкил этилди.

Самарқандга ташриф буюрган меҳмонлар «Самарқанд — STV» телевизион ижодий уюшмасининг қайта таъмирланиб, техник жиҳозлаш-модернизациялаш ишлари олиб борилган биноси, журналист ва техник ходимлар учун яратилган шароитлар, сифатли кўрсатув тайёрлашга мўлжалланган замонавий тасвирга олиш студиялари билан танишишди. Шундан сўнг «Regal Palace» меҳмонхонасида «Озод юрт тўлқинлари — 2011» медиа фестивали бўлиб ўтди.

Шунингдек, медиа кунлар доирасида ЎзНТТ телетармоғи аъзоларининг ҳисобот йиғилишлари ва ёш журналистлар ўртасида турли танловлар, конференциялар ўтказилди.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
“Hurriyat” мухбири

Дийдор

КИФТИОБ ГУРУНГЛАРИ

Гўзал ва мафтункор юртимизнинг сўлим гўшалари, пурвиқор тоғлар билан ўралган ажиб масканлари бисёр. Ана шундай мафтункор гўшалардан бири — Китоб туманида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги ҳамда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан «Кифтиоб гурунглари» деб номланган тадбир уюштирилди.

Китобда туғилиб ўсган, бугунги кунда мамлакатимизнинг турли газета ва журналлари, телевидение, радио ва нашриётларида фаолият юритаётган бир гуруҳ ижод аҳли — ёзувчи, олим, журналист ва санъаткорлар иштирокидаги ушбу учрашув, дийдорлашув ҳақиқий байрам тусини олди. Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов, олим ва ношир Маҳмуд Саттор, шоирлар Рустам Мусурмон, Ғайрат Мажид, тележурналистлар Собиржон Маманов, Инобат Нормуродова сингари таниқли ижодкорлар, шунингдек, вилоят, туман оммавий ахборот воситаларида хизмат қилаётган журналистлар иштирок этишди.

Меҳмонлар туман ҳокимлигида кутиб олинди. Дастлаб туман ҳокими, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати Узоқ Худойқулов турли соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида қуйидагиларни гапириб ўтди:

— Туманимиз аҳли асосан деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик билан шуғулланади. Бу йил қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш борасидаги ишларимиз анча яхши. Меҳнаткаш фермер, деҳқонларимиз бу йилги сув тақчиллигига қарамай мўл-кўл ҳосил етиштириш йўлида тинмай меҳнат қилаяптилар. Мана, ғаллага ҳам ўроқ тушди. Яхши ниятлар билан бошлаган ишларимиз ўз мевасини беради, деб умид қиламиз. Бу йил турли соҳаларда эришган ютуқларимиз жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик тўйига муносиб туҳфа бўлади.

Тадбир доирасида тумандаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, ижодкор ёшлар билан учрашув ўтказилди. Унда катта авлод вакиллари истиқлолимизнинг мазмун-моҳияти ҳақида, бугунги бахтли авлоднинг истиқболи ҳақида сўзлашди. Улар ёшларни касб-ҳунар эгаллаш, тинмай ўқиб, изланишга, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш, Ватанга муносиб фарзандлар бўлишга чорлашди. Катта ҳаёт остонасида турган битирувчи ёшларга оқ йўл тилашди. Айниқса, имтиёзли шаҳодатномани таниқли санъаткор, ижодкорлар қўлидан олган ўқувчилар хотирасида бу бахтли лаҳзалар бир умрга муҳрланиб қолса ажаб эмас. Учрашувда ёшлар ҳам ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

Тумандаги «Оқсув» зиёратгоҳида бўлган учрашув ҳам унутилмас таассуротларга бой бўлди. Меҳмонларга пешвоз чиққан туман фаоллари, маҳалла аҳли, мактаб ўқувчилари ва шеърият ихлосмандлари самимий дил сўзларини изҳор этишди. Шарқираб оқиб турган дарё бўйида бўлиб ўтган давра суҳбати, шеърхонлик жонли, самимий руҳда кечди.

Ҳазрати Башир қишлоғидаги баҳаво оромгоҳда давом этган суҳбат мушоирага уланди. Хонандалар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар даврага ўзгача файз бағишлади.

Юсуфжон ҲАМДАМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

«ШОВОТДОНМАҲСУЛОТ»
акциядорлик жамияти жамоаси

беқиёс, гўзал диёримизнинг ривож топишига муносиб ҳисса қўшаётган барча оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан чин кўнгилдан муборакбод этади.

Уларнинг машаққатли, аммо шарафли вазифаларида улкан муваффақиятлар тилайди. Амалга ошираётган эзгу ишлари юрт мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилаверсин!

Касб байрамингиз муборак бўлсин!

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

"ALSTOM" ИРОҚДА ТЕМИР ЙЎЛ ҚУРМОҚЧИ



Франциянинг йирик компанияларидан бири — "Alstom" Ироқда тезюрар поездларга мўлжалланган темир йўл магистралини қуриш учун дастлабки келишувга эришди. Бу ҳақда Франция Транспорт вазири ўринбосари Тьерри Мариани расман хабар берган.

Марианининг сўзларига қараганда, ушбу темир йўл магистрали Бағдод – Басра йўналишида бунёд этилиши кутилмоқда. Унда поездлар соатига 220 километргача тезликда ҳаракатланиши мумкин бўлади. Темир йўл қурилишидан ташқари, "Alstom" компанияси Ироққа тезюрар поездларни етказиб бериш ва уларнинг эксплуатацияси билан ҳам шуғулланади. Битимнинг молиявий томони ҳозирча маълум қилинмаяпти.

Томонлар келишув бўйича яқин 12 ой ичида бир тўхтамга келишади. Шу йилнинг сентябрь – октябрь ойларида франциялик ҳамкорлар Ироққа келишув шартларини муҳокама қилиш учун боришади.

Эслатиб ўтамиз, "Alstom" компанияси асосан тезюрар поезд ва кемалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

ГРЕЦИЯГА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ

"Associated Press" агентлиги тарқатган хабарга қараганда, Германия аҳолисининг кўп қисми мамлакат ҳукумати Грециягa молиявий инқироздан чиқишга ёрдам бериш керак, деган фикрда. Мамлакатнинг ARD елекомпанияси томонидан ўтказилган сўров натижалари ана шундай хулоса чиқаришга асос бўлди.

Сўров 21-22 июнь кунлари ўтказилиб, унинг натижалари 24 июнь куни эълон қилинди. Қатнашчиларнинг 60 фоизи Грециягa молиявий ёрдам кўрсатиш керак, деган фикрни билдирган.

Хабарингиз бўлса, давлат қарзи 350 миллиард евро бўлган Грециягa 110 миллиард евро миқдорида кредит ажратилган эди. Аммо олинган кредит Грецияни дефольтдан қутқара олмади. Георгиос Папандреу раҳбарлигидаги ҳукумат ЕИ ва ХВФга янги кредит бериш бўйича расмий сўров йўллади. Аввал хабар берилганидек, кредит миқдори 100 миллиард еврони ташкил этиши мумкин. Қўшимча ёрдам эвазига Евроиттифоқ Грециядан бюджет харажатларини 28 миллиард еврога қисқартиришни талаб қилмоқда.

ҲАЛОКАТНИНГ ОҒИР ОҚИБАТЛАРИ

Японияннинг «Фукусима-1» АЭСидаги ҳалокат оғир оқибатларга олиб келмоқда. Яқинда АЭСдан 30-40 километр узоқликда жойлашган иккита аҳоли пунктидаги одамлар радиациядан зарарлангани маълум бўлди. «Киодо» ахборот агентлиги хабарига кўра, 4 ёшдан 77 ёшгача бўлган 15 кишининг пешобида цезия радиактив изотопи борлиги аниқланган.

Мутахассислар радиактив моддаларнинг бундай даражаси инсон саломатлигига жиддий хавф туғдирмаслигини таъкидлашмоқда. Аммо шунга қарамай, радиация билан зарарланган кишилар тезда бу ҳудудни тарк этишлари лозим. Шу билан бирга, АЭСга яқин ҳудудларда етиштирилган полиз ва боғдорчилик маҳсулотларини истеъмол қилмаслик ҳам мақсадга мувофиқ, деб топилди.

АЪЗО ДАВЛАТЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАСА...

Фаластин мухторияти раҳбарияти мустақил давлат сифатида дунё эътирофига эришиш режасини расман тасдиқлади. Шу мақсадда БМТ Бош Ассамблеясининг сентябрь ойидаги йиғилишида бу масала кун тартибига қўйилиши мумкин.

Кузатувчиларнинг фикрларига кўра, мазкур масала БМТга аъзо давлатларнинг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланса, бу фаластинликларнинг катта сиёсий ғалабаси бўлади.

БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлган АҚШ Фаластин мустақиллигига қарши эканини билдириб, аввал улар Исроил билан муаммоларини ҳал қилиб олишлари зарурлигини таъкидлади.

Жорий йил бошида Эквадор, Бразилия, Аргентина ва Уругвай Фаластинни мустақил давлат сифатида тан олган эди.

НОУТБУК УЧУН ЯНГИ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ



Мельбурндаги Қироллик технологик институти тадқиқотчилари ноутбукларни зарядлаш учун клавиатура ускунасига бармоқ билан урилганда ҳосил бўладиган энергиядан фойдаланиш таклифини илгари суришмоқда.

Ғоянинг моҳияти шундан иборатки, клавишларни механик энергияни электр энергиясига айлантириб бера оладиган пьезоэлектрик ўта ингичка плёнка билан қоплаш керак. Бу ҳолда клавишга бармоқ урилгандаги механик энергия электр энергиясига айланади ва батарея "озиқланишга" киришади.

Мазкур ғояни ҳаётга татбиқ этиш учун нанометрда ўлчанадиган пьезоэлектрик плёнкани яратиш талаб қилинади. Бундай плёнка, унинг хусусияти тўғрисида қатор илмий нашрларда мақолалар чоп этилган. Бироқ бу лойиҳа ҳозирча амалиётда қўлланмаган.

ҲИНДУЛАР ҚАБИЛАСИ ТОПИЛДИ

Бразилия ҳиндуларининг Миллий фонди Амазонка ўрмонларида ташқи дунёдан бутунлай узилиб қолган, цивилизация билан умуман алоқага кирмаган ёввойи қабила топилгани ҳақида хабар тарқатди. Бу қабила Бразилия ва Перу чегарасидаги ўрмонларда истиқомат қилади.

Янги қабиланинг мавжудлик аломатлари дастлаб сунъий йўлдош ёрдамида аниқланди. 2011 йилнинг апрель ойида эса ҳудудга самолёт юборилиб, ҳаводан туриб қабила обдон кузатилди. Бундан кўзланган асосий мақсад ҳиндуларнинг ҳаётига имкон қадар камроқ аралашиш эди.



Тўпланган маълумотлар икки ой давомида чуқур таҳлил қилинди. Шундан сўнг мутахассислар ҳақиқатан ҳам 200 кишидан иборат янги қабила топилганини эълон қилишди. Олимларнинг таъкидлашларича, қабила тўртта катта похол уйда яшаб, маккажўхори, банан ва донли ўсимликларни етиштириш билан шуғулланади.

Ҳиндулар Миллий фонди давлат ташкилоти бўлиб, қадимий маҳаллий аҳолининг айни пайтдаги қабилаларини, улар яшаётган ҳудудлар ва уларнинг ҳаёт тарзини муҳофаза қилиш билан шуғулланади. Бугунги кунда 68 та қабила фонд ҳимоясига олинган.

ХИТОЙ ИНФЛЯЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШМОҚДА

Хитойнинг инфляцияга қарши курашиш сиёсати иш берди, дея эълон қилди ХХР бош вазири Вэнь Цзябао. Бу ҳақда The Financial Times газетаси хабар тарқатди. Унинг айтишича, ҳукумат мамлакатдаги нарх-наво устидан қаттиқ назорат ўрнатди.

2011 йил май ойида Хитойда инфляция йиллик ифодада 5,5 фоизга етди. Бу 34 ой ичида максимал кўрсаткичдир. Таҳлилчилар бу кўрсаткич келажакда олти фоиздан ошишини кутишмоқда. Расмий прогнозларга асосан, жорий йилнинг якунигача нарх-наво 4 фоизга ўсиши режалаштирилган эди.

Инфляцияга қарши курашиш ва мамлакатда пул массасининг ҳажмини камайтириш мақсадида Хитой МБ бир неча марта база ставкаларини кўтарган. Шунингдек, банклар учун резерв қилиб қўйиш нормалари қатъий белгиланган. Шундай қилиб, жорий йилнинг апрель ойида база ставкалари тўрт мартага кўтарилган.

Интернет хабарлари асосида Малика СУЮНОВА тайёрлади.

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; E.mail: oao@post.uz

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

Чироғи ўчмайдиган шоир

Ўзбекистон халқ шоири Ҳабиб Саъдулланинг илк китоби нашр этилганда (1968-1969 йиллар бўлса керак) мен мактаб ўқувчиси эдим. Ҳабиб Саъдулла ва Усмон Темур шеърларидан таркиб топган бу китоб "Океандан шабада" деб номланганди. Уни қўлма-қўл қилиб ўқиганимиз, сатрлардаги самимият, кутилмаган ташбеҳлар, ватанпарварлик туйғуларидан қанчалик ҳайратга тушганимиз кечагидек ёдимда...

Кейинчалик шоирнинг "Баҳор билан суҳбат", "Мулоқот", "Яна остонангда", "Эҳтиром" каби китоблари чоп қилинди. Улар синчков ўқувчилар эътиборига сазовор бўлиб, шоирга катта шуҳрат келтирди.

— Мунча зериктирдинг, мунча куттирдинг,
Айт, қайларда эдинг, менинг баҳорим?

— дейди шоир ўша китобларга киритилган бир шеърида. Ва бу саволга ҳаётий, айни пайтда оригинал тарзда жавоб беради:

— Сен-ку, соғиндим деб кўксингга урдинг,
Менга ҳам осон, деб ўйлама унча.
Не-не заҳмат чекдим, жабрлар кўрдим,
Қаҳратон қаъридан чиқиб келгунча...

Ҳабиб Саъдулла аруз вазнида ҳам баракали ижод қилди. Унинг ошиқона ва орифона ғазаллари эл оғзига тушди. Камолиддин Раҳимов, Ўринбой Нуралиев, Нуриддин Ҳамроқулов каби машҳур хонандалар ижросида дилга яқин қўшиқларга айланди.

Маълумки, адабиётимиз тарихида, айниқса, замондош шоирлар орасида девон тузишга журъат этган ижодкорлар кам учрайди. Чунки девонга тартиб беришнинг ҳам ўз қоида ва тамойиллари мавжуд. 40-50 та ғазални бир жилд остига жамлаган билан девон бўлавермайди. Ҳабиб Саъдулланинг девони эса ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиб, ундан ғазаллар, мустазод ва мураббаълар, мухаммасу мусаддаслар, қасидаю марсиялар ўрин олган. Айниқса, Бобур, Машраб, Огаҳий ғазалларига боғланган мухаммаслар шоирнинг ёркин истеъдодидан, тафаккур ва ифода қудратининг нечоғли теран ва нафислигидан далолат бериб туради.

Очилган лолалар, балким
Сочилган қони Бобурнинг,
Эрур ошиқ элига дарс
Умр девони Бобурнинг,
Муҳаббат бобида мерос
Ҳабибга шони Бобурнинг,
Не ерда бўлсанг, эй гул,
Андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараҳҳум
Айлагилким, анда жонидур.

Машҳур «Баҳор айёмидир...» деб бошланувчи ғазалга боғланган ушбу мухаммасдаги бу сатрлар шоирнинг қалбини кўзгудек акс эттиради, десак муболаға бўлмайди.

Шоирнинг болалиги машъум уруш йилларига тўғри келди. У отадан етим қолди. Ўзи каби отадан айрилган тенгдошларининг дардли ўй-кечинмалари, ҳар бир ёшга хос мусаффо муҳаббат туйғулари, Ватан соғинчи, она диёримизнинг бетакрор ва гўзал манзаралари шоир шеърларининг ўзагини ташкил этди.

Кейинчалик одамларни эзгуликка чорлашдек шеъриятнинг ижтимоий вазифаси, инсон ва ҳаёт мураккабликлари, уруш ва тинчлик масаласи Ҳабиб Саъдуллани йирикроқ жанрларга мурожаат қилишга ундади. Шу тариқа «Туғилган йилим», «Онаизор» ва «Тирик қурбонлар» поэмаларини ўз ичига олган достонлар туркуми яратилди. Сўнгра уларнинг мантиқий давоми ўлароқ, «Замин садоси» достони дунёга келди.

Бу достонларда урушнинг инсон ҳаётида қолдирган ўчмас жароҳати, тинч ҳаётнинг қадр-қиммати, замондошларимизнинг бу борадаги улкан масъулияти моҳирона тараннум этилди.

Ҳабиб Саъдулланинг 1991 йилда ёзилган «Тазарру» шеъри ўша пайтда ғоят машҳур бўлди. Қайта-қайта чоп этилди. Қўшиққа ҳам айланди. Чунки бу шеърда мустақиллик арафасида мамлакатимизда рўй берган турли воқеалар, ўтиш даврнинг ўзига хос мураккабликлари ўта нозиклик билан илғаб олинган, катта маҳорат билан тасвирланган, энг муҳими, тўғри ва ҳаётий хулосалар чиқарилган эди:

Ҳаж қилмоқ баҳона тўлдириб хуржун,
Маккага йўл олсак тижорат учун,
Тазарру қилмайлик қошингда нечун,
Ўзинг кечиргайсан бизни, Оллоҳим!..

Шоир, айниқса, мустақиллик йилларида кўтаринки руҳ билан ижод қилди. Ватанимизнинг янги тарихида содир бўлган ҳар бир воқеа ёки ҳодиса унинг юрагида акс-садо берди.

Зотан, баднафслардан асрамоқ учун
Истиқлол аталмиш доруломонни,
Йиғиб ғурур, ақл, бирдамлик кучин,
Энди авайлайлик Ўзбекистонни...

дея даъват этади шоир замондошларига.

Бу ўринда Ҳ.Саъдулланинг «Жароҳат» достони алоҳида аҳамиятга эга.

Достон 1998 йил 16 февралда Ватанимиз юраги — Мустақиллик майдонида қабиҳ ниятли кучларнинг Юртбошимизга қарши уюштирган суиқасди муносабати билан ёзилган. Достонда Юртбошимизнинг ана шу оғир дамларда намоён этган босиқлик, иғволарга берилмаслик, қатъиятлилик, узоқни кўра билиш каби ажойиб фазилатлари маҳорат билан очиб берилган. Бир гуруҳ ватангадоларнинг қисмати бутун фожиалари билан акс эттирилган:

Ватан, сенга отилган ўқ
Менинг кўксим тешиб ўтгай...

деган сатрлар билан бошланган достон

Номалар қатида изҳори диллар,
Сергак тепиб турар ёш авлод қалби:
— Сиз умид боғлаган қизлар, ўғиллар
Сиз бизни ҳеч кимга бермаган каби
Сизни ҳам бермасмиз — қатъий иймондир,
Ўзбекистон, бизнинг Ўзбекистондир,

деган сатрларда авж пардаларга кўтарилади.

Шоирнинг кейинги йилларда ёзилган «Адиб тақдири», «Истиқлол достони» каби асарлари ҳам ана шундай адолатга интилиш, Ватанни улуғлаш, шу ёруғ кунларнинг қадрига етиш каби олижаноб туйғулар билан йўғрилган.

Ҳабиб Саъдулла шоир ва фуқаро мақомини юксак даражада сақлайдиган ижодкор эди. Бошқалардан, айниқса, биз каби шогирдларидан ҳам шуни талаб этарди. У ўша пайтлари урф бўлган кўплаб ёш шоирларга хос «девонавор»ликни қабул қила олмасди. Шоир нафақат шоир, балки ҳар томонлама — ўзини тутишда ҳам, муомалада ҳам, кийинишда ҳам бошқаларга ўрнак бўлиши керак, деб ҳисобларди.

Бир пайтлар Ҳабиб ака билан умрнинг ўткинчилиги, дунёнинг бевафолиги-ю ҳаётнинг бебақолиги ҳақида суҳбатлашиб қолганимизда: «Худога шукр, мен ҳаётимда бир шоир кўриши мумкин бўлган ҳамма нарсани кўрдим — фарзандлар дейсизми, чоп этилган китоблар дейсизми, халқнинг назари дейсизми, орден ва унвонлар дейсизми — ҳеч биридан бебаҳра қолганим йўқ. Умримдан минг бора розиман», деган гапни айтган эди. Дарҳақиқат, шоир бир умр мухлислар ардоғида бўлди. Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими», «Ўзбекистон халқ шоири» деган юксак унвонларга сазовор бўлди. Олий Мажлис депутатлигига сайланди...

Ҳабиб Саъдулла бир шеърида уйда ҳам, ишхонасида ҳам чироқни ўчириб кетиш кўпинча ёдидан чиқиб қолиши, шу боис кўп танбеҳ эшитиши ҳақида ёзади ва ажойиб хулосани айтади:

Танишу нотаниш ҳар одам
Шу айбим койигай, нетай, мен?
Дўстларим, шу тарзда дунёдан
Чироқни ўчирмай кетарман...

Ҳа, шоирнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти номзодлигига қўйилиши унинг чироғи ўчмаганидан, дилбар шеъру ғазаллари, теран достонлари яшаётганидан, одамлар, шеърият ихлосмандлари қалбига зиё бахш этаётганидан далолатдир.

Аҳмад ХЎЖА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Замондошларимиз

Бахтли одам

Ҳаёт эканмиз, ўтмишимизни — яхши-ёмон, оғир-енгил кечинмаларни хотирлай оламиз. Аммо эртага нима бўлишини билмаймиз, буни ҳеч ким тасаввур ҳам қила олмайди. Яна бир ҳаёт ҳақиқати шуки, кучи билагига сиғмай бораётган бўлса-да, бу кучни эл-юрт манфаати учун ишлатмайдиган айрим кимсалар ҳам топилади. Бундай одамлар "дунёга бир келдингми, яшаб қол" деган сафсатага амал қилиб яшайдилар ва охир-оқибат афсус-надоматда қоладилар. Лекин шундай инсонлар ҳам борки, бутун ҳаётини одамларга яхшилик қилишга, ўзидан эзгу ном қолдиришга ҳаракат қилади. Бошидан кечирган турли қийинчиликлари кейинчалик унга катта тажриба бўлиб хизмат қилади.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсонни тақдири азал эркатойликлардан бенасиб айлаган. Айни ўспиринлик даври бошланаётганда онасидан айрилиб қолди. Етим қолган уч ўғил ва уч қизнинг ўртадаги ўртангани у бўлди. Аммо жудоликни раво кўрган парвардигор чорасини ҳам топиб берар экан. "Қул ўлмас, ризқи камаймас" деганларидек, у туғилиб ўсган макон — Бўстонликдаги гўзал Оқтош ҳудуднинг сўлим масканларидан бири эди. Чотқол тоғлари этакларида жойлашган қишлоқ теварак-атрофи ҳақиқий жаннатнинг ўзгинаси. Тоғ-тошлар, қир-адирлар, боғу роғларда табиий неъматлар шу қадар мўллигидан одам ҳеч нарсага зориқмасди. Нон ўрнига олғи, такасоқол, равоч... Қўй-эчкилар болалагандa ширач "тўрвачаси"га соғиб оловга бирпас қўйилса, бебаҳо пишлоқ тайёр бўлади. Тоғдан узлуксиз оқиб турувчи анҳорлар балиққа бисёр.

Шундай қилиб, у ўзи каби фақиру бечораларнинг ҳақиқий онаси — табиат бағрида ўсиб-улғайди, бутун борлиғи билан табиатга боғланди. Ота-онасидан айрилиб қолган қуш ёки ҳайвон болалари йўлиқса, мунғайиб ўтиришини кўриб йиғлагиси келарди. Бир амаллаб боқиб вояга етказиш ва эркинликка қўйиб юбориш учун бор кучи билан ҳаракат қиларди. Шу зайлда она табиатни, она Ватанни таниди. Ватани бағрида иш ўрганди, ҳунарли бўлди, сабр-тоқат билан билим довонларидан бирма-бир ўтди.

Буларнинг бари яхши: қалбларга қувват, кўзларга нур, кўнгилларга қувонч бахш этувчи илиқ гаплар. Худди шу ўринда ҳақли бир савол кўндаланг бўлади: табиат ва Ватандан ўзингга керак ҳамма заруратларни олибсан, аммо унга қандай амалий жавоб қайтардинг?! Бу сўров олдида кимлардир лол, ҳатто довдираб қолиши табиий.

Суҳбатимиз бошида айтиб ўтганимиз каби шахсий роҳат-фароғати учунгина яшаётган кимсалар дадил ва аниқ жавоб айта олмасликлари тайин. Бисотида она Ватан ва она табиат (буларни айро тасаввур этиб бўлмайди) равнақи учун амалга ошириб қўйган аниқ далилу исботи бўлмаган одам қандай қилиб катта гап айта олсин?! Бундай кафолатга қисқа фурсатда эришиб бўлмайди. Пок ниятли инсонлар эса бутун ҳаётини шу эзгуликка сарфлайдилар.



У ўтган умри давомида оналик вазифасини бекаму кўст бажариб келаётган табиат ва Ватани ҳаққи-ҳурматига доғ туширмади. Фарзандларини ҳам худди шундай руҳда тарбиялаб, ўқитиб вояга етказди. Уч қиз, бир ўғил ва ўн набирани ота-она изидан оғишмай боришларига ишончи комил. Фаолияти ҳақида лўнда гапирадиган бўлсак, собиқ тузум даврида атроф-муҳит мусаффолигига хатар солувчи ҳар қандай кучларга қарши олдинги сафларда туриб курашди. Табиат муҳофазасига бағишланган ўнлаб чиқишлари матбуотда эълон қилинди. Яратган китоблари ҳам шу мазмунда. Айни пайтда она табиат ҳимояси мавзусидаги туркум мақолаларидан тузилган тўплами китобхонларга ҳавола этилиш арафасида.

Англаган бўлсангиз, лавҳамиз қаҳрамони, таниқли журналист, ёзувчи Асад Асилдир. Унинг табиат мавзусига бағишланган қатор мақолалари, очерклари газетамиз саҳифаларида тез-тез чоп этиб турилади.

Дарвоқе, Асад ака нафақага чиққанидан сўнг пойтахтда "кексалик гаштини суриб" ётишга қизиқмади. Туғилган қишлоғига қайтиб, табиат кўркига-кўрк қўшиш, унинг бағрида фойдали меҳнат билан машғул бўлиш йўлини танлади. Туман ва хўжалик раҳбарлари розилиги асосида ўн гектар ерда боғ яратишга киришди. Тез орада ҳувиллаган яйдоқ қияликда шовуллаган боғ ва аъло навли токзорлар барпо бўлди. Улар бирин-кетин ҳосилга кирмоқда. Ана шундай хайрли ишлари туфайли ҳамқишлоқлари уни қишлоқ фуқаролар йиғини раиси этиб сайлашди.

Минг йиллик тарихи бор Хондайлиқ қишлоғининг ҳануз ночор аҳволда қолиб келаётгани уни қийнаб келарди. Бор кучи ва имкониятини ишга солиб ободонлаштириш ниятида эди. Ўзи бевосита бош қўшгач, туман ҳокими унинг илтимосларини инобатсиз қолдирмади. Хонадонларни табиий газ билан тўла таъминлаш, қишлоқ марказидаги қаровсиз майдон ва тепалик ўрнида кўркам гузар барпо этиш, кўприк ва йўлларни таъмирлаш, қабристонларни обод этиб, қишлоққа тоза ичимлик суви олиб келиш...

Одатда, Асад ака амалга оширган бундай ишларини гапириб юришни ўзига эп кўрмайди. Ҳар бир инсон Ватан равнақига ўзининг муносиб улушини қўшишни ҳам фарз, ҳам қарз деб ҳисоблайди. Бундан афзал бахт бўладими? Демак, қаҳрамонимиз чин маънода бахтли инсон. Тилагимиз эса бундай бахтиёрлик уни, барчамизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Даврон ОРИПОВ

Билмаганни билган яхши

Онасиз болаларни тарбиялагани учун

Онасиз болаларни фарзандликка олиб, тарбияловчи кишилар учун қонунчиликда қандай имтиёз ва кафолатлар белгиланган?

Меҳнат кодексининг 238-моддасида онасиз болаларни тарбияловчи шахсларга бериладиган кафолат ва имтиёзлар белгилаб қўйилган. Хусусан, ишловчи аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда тунги ишларга ва иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш ва хизмат сафарларига юборишни чеклаш, шунингдек, қўшимча таътиллар бериш, имтиёзли иш режимларини ўргатиш ҳамда норматив ҳужжатларда белгиланган бошқа кафолат ва имтиёзлар берилади. Булар онасиз болаларни тарбиялаётган оталарга, шунингдек, вояга етмаган болаларнинг васийларига (ҳомийларига) ҳам татбиқ этилади.

238-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган кафолат ва имтиёзлар ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни тарбия қилаётган бувига, бувага ёки бошқа қариндошларга ҳам берилади.

Дилфуза АМИРОВА,
Учтепа тумани 4-сонли ДНИ нотариуси

Кафиллик шартномаси ҳақида

Кафиллик шартномаси қандай тузилади? Унинг қандай мажбурият ва жавобгарликлари бор?

Кафиллик азалдан мавжуд тушунча бўлиб, кафил бошқа шахс мажбуриятини тўла ёки қисман бажариш учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

Фуқаролик кодексининг 4-бўлимида кафиллик шартномаси тасниф этилган:

кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак. Бунга риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Кафиллик шартномаси кафил ёки қарздор зиммасига муайян мажбурият ва жавобгарликни юклайди. Дейлик, қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб беради. Агар қонунда ёки шартномада кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши ва бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беришга мажбур. Яъни, у фоизларни, кредитор кўрган бошқа зарарларни, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини тўлайди.

Мажбуриятни бажарган кафилга кредиторнинг ушбу мажбурият бўйича ҳуқуқлари ҳамда гаровга олувчи сифатида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқлар кафил кредиторнинг талабини қанча ҳажмда қаноатлантирган бўлса, шунча ҳажмда ўтади. Кафиллик мажбуриятни бажарганидан кейин кредитор қарздорга бўлган талабни тасдиқловчи ҳужжатларни кафилга топшириши ва бу талабни таъминлайдиган ҳуқуқларини бериши шарт.

Шартномада кўрсатилган кафиллик муддати ўтганидан кейин кафиллик бекор бўлади. Агар бундай муддат белгиланган бўлмаса, кредитор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажариш муддати келган кундан бошлаб бир йил давомида кафилга даъво қўзғатмаса, кафиллик бекор бўлади.

Муқаддас АБДУҚОДИРОВА,
Маъмура НИЁЗОВА,
Шайхонтоҳур тумани ДНИ нотариуслари

Фуқаро исмини ўзгартирса...

Фуқароларнинг фамилия, исми ва отасининг исмини ўзгартириш қандай қоидаларга асосан амалга оширилади?

Фамилия, исм ва отасининг исмини ўзгартиришни истаган фуқаролар Оила кодексининг 226-моддасига асосан 16 ёшга тўлгандан сўнг ариза билан яшаб турган жойидаги ФҲДЁ идорасига мурожаат этишлари лозим. Фуқаро фамилияси, исми ва отасининг исмини қуйидаги ҳолатларда ўзгартириши мумкин:

— фамилияси, исми ва отасининг исми эшитилишда ёқимсиз бўлса;

— фамилия, исм ва отасининг исми миллатига тўғри келмаса;

— хоҳишига қараб никоҳгача бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан кейин ҳам) қайтишда;

— оилада бир хил фамилияда бўлиш истаги туғилганда (агар никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилияни танламаган бўлса) ва бошқа узрли деб топилган асосларга кўра.

Шунингдек, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига асосан фамилия, исм ва отасининг исмини ўзгартиришни амалга ошириш мумкин. Ушбу моддага мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида яшовчи шахслар миллатидан қатъи назар, фамилия, исм ва отасининг исмини миллий-тарихий анъаналарга монанд ўзгартириш ҳуқуқига эга. ИИБ 30 кун мобайнида тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиққач, ўз хулосаларини беради. ФҲДЁ бўлими хулосани олгач, ҳужжатлар асосида фамилия, исм ва отасининг исмини ўзгартириш ёки рад этиш тўғрисида асослантирилган хулоса тузади ва далолатнома ёзувига тегишли ўзгартиришларни киритиб, фуқарога янги гувоҳнома беради.

Таъкидлаш жоизки, аксарият ҳолларда ота-оналар болаларининг фамилия, исми ва отасининг исмини ўзгартириш учун 16 ёшга тўлиб, паспорт олишини кутадилар. Аммо бола 16 ёшга тўлишини кутмасдан фамилия, исми ва отасининг исмини ўзгартириш учун юқорида қайд этилган узрли сабаблар бўлганида ёки «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасига кўра, фамилия, исми ва отасининг исмини ўзгартириш истагини билдирган ота-она ёки 10 ёшдан 16 ёшгача бўлган боланинг аризаларига асосан ФҲДЁ бўлими томонидан ариза қабул қилинган куниёқ масала ҳал этилиши мумкин.

Ёқутхон ҚОДИРОВА,
Тошкент вилояти Янгийўл тумани 1-ФҲДЁ бўлими инспектори

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

МАЪНАВИЯТ

Касбдан шараф топганлар

«Уч атиргул» қиссаси

Ҳейдиларки, қадимда тўқсондан ошган отахон ёлғиз ўзи яшар экан. Кунлардан бир кун эшик тақиллаб қолибди.

— Ким? — деб сўрабди отахон.

— Мен бойликман, — жавоб келибди ташқаридан.

— Ёшим тўқсондан ошган бўлса, бойликнинг нима кераги бор, — деб эшикни очмабди.

Орадан вақт ўтиб яна кимдир эшик қоқибди.

— Ким? — овоз берибди қария.

— Мен муҳаббатман, — деган жавоб келибди.

— Ие, ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлганман, муҳаббатнинг кераги йўқ, — дебди у.

Бир неча кундан сўнг яна эшик тақиллабди:

— Ким? — сўрабди отахон.

— Мен дўстликман, — деган жавобни эшитибдилар.

— Ҳозир, тўхтаб тур, ҳозир очаман, мен сени интиқлик билан кутиб тургандим, — дея эшикни очишга шошилибди у.

Чиндан-да дўстликдек буюк куч, қудратнинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Албатта, биз бу ўринда самимий, беғубор, садоқатли ва саодатли дўстликни назарда тутяпмиз. У инсоний фазилатларнинг гултожи, десак муболаға бўлмас. Бизга бу хислат ва фазилат ота-боболаримиздан миллий қадрият сифатида мерос бўлиб келган. Шу ўринда Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро, Нодирабегим ва Зебунисо каби алломалар ўртасидаги самимий муносабатларни эслашнинг ўзи кифоя.

...Деярли барча газеталар таҳририяти бир бино — Матбуотчилар кўчасидаги 32-уйда жойлашган. Бу даргоҳнинг файз-таровати ҳали-ҳануз кўз ўнгимда. Тушлик пайтида ҳовли янада гавжумлашарди. Овқатланиб бўлгач, ҳамма дўстлар, дугоналар тўпланишиб суҳбатлашар, ижодий режалари билан ўртоқлашишар эди. Улар орасида биз — «уч атиргул» (ўша пайтда ҳамма бизни шундай атарди) — камина, Муайяна Хўжаева ва Фарида Абдураҳимова тушликдан сўнг очиқ ҳавода бироз айлангач, Муайянанинг хонасида чойхўрлик давом этарди. Шундай пайтлар ҳам бўлардики, биз кўпроқ суҳбатлашиш, дийдорлашиш мақсадида тушликни ҳам шу хонада уюштиришни афзал кўрардик. Дўстлик меҳримиз ийиб кетса, радио қулоғини бураб куй-қўшиққа жўр бўлардик. Гоҳида биронтамиз келмай қолган пайтлар ошхона томонга икковлашиб кетаётган бўлсак, дарров учинчимизни сўрашарди.

Демоқчиманки, ҳамкасбларимиз бизнинг ўртамиздаги дўстлик, дугоналик ришталари чинакам, мустаҳкам ва самимийлигини ҳис қилишган, назаримда.

Умр оқар дарё экан. Сўрамай-нетмай ўтавераркан. Албатта, фарзандлар улғаяди, набиралар, ундан кейин эваралар. Ҳаёт зарурати туфайли Муайянахон Самарқандга, она шаҳрига кўчиб ўтди. Меҳнаткаш, жонкуяр олим Ғаффор ака билан бирга ҳовли олди, уй солди. Ўғил уйлантирди, қиз чиқарди. Лекин, афсус, инсон ҳаёт имтиҳонларини олдиндан билолмас экан. Ота-онам ёнида яйраб яшайман, деган Муайяна кетма-кет айрилиқларга дуч келди. Аввал ўғли Ғолибжон, кейин умр йўлдоши оламдан ўтди. Ўшанда Муайяна Самарқанд телестудиясида сухандон бўлиб ишларди. Унинг «Бир оила фарзандларимиз», «Она», «Қирқ бир йилдан сўнг ҳаётга қайтиб» каби ўнлаб очерк ва публицистик мақолалари ўз вақтида китобхонлар қалбидан жой олган эди. Дугонам тарихий китобларни тарғиб қилишга ҳам баракали ҳисса қўшган.

Ҳар йили унинг туғилган куни муносабати билан Самарқандга бораман. Икки йил аввал серқирра ижодкор Саидаҳмад Васлий тўғрисида китоб тайёрлаш борасида унинг авлодларидан таклиф тушаётганини айтиб қолди.

— Албатта ёз, дугона, бошлаган илмий ишингнинг давоми бўлади. Қолаверса, аждодларни улуғлаш — катта савоб, — дедим унга.

Шу йилнинг бошида дугонам Васлий ижоди ва ҳаётига оид «Ризвон эрур Ватан» номли рисолани тақдим этди. Дилдан суюндим. Бу ҳам дўстлик ва самимият ҳосили эди. Фаридахонга келсак, ҳарқалай, давлат ишида. Энди ҳадеганда «уч атиргул» тўплана олмасак-да, хабарлашиб турамиз.

Шу ажойиб кунларда дугонам, илм фидойиси, самимий қалам соҳибаси Муайяна Хўжаевани қутлуғ етмиш ёши ҳамда касб байрами муносабати билан қутлаётганимдан бахтиёрман.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

УМР АРДОҒИДИР БУ

Талабалик йиллари амалиёт учун вилоят газетасига борганимда бир кекса журналист: «Газетанинг ҳиди жуда бошқача бўлади. Буни билиш учун 5-10 йил эмас, 30-40 йиллаб ишлаш керак», деганида ишонқирамаган бўлсамда, кўп йиллардан бери битта жойда, бир вазифани тоқат билан бажариб келаётгани учун унга ҳавас қилгандим. Чунки одам ўз касбини чин дилдан севгандагина шундай илиқ ва самимий фикрларни билдира олади.

Д.Икромова

М.Содиқова

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг тури кўп, ранг-баранг. Лекин газетада ишлаш машаққатига ҳамма ҳам бардош бераверма йди. Уйқусиз тунлар, ҳаловатсиз изланишлар маҳсули бўлган мақола, лавҳа ёки очерк ўқувчисига етиб боргунга қадар журналист тиним билмайди. Бу жараёнда муҳаррирдан тортиб мусаҳҳиҳгача, ҳамманинг зиммасида бирдек масъулият бўлади. Негаки, бугунги газетхон ниҳоятда талабчан ва зукко. Унинг эътирофига сазовор бўлиш учун газетанинг ҳар бир ходимидан фидойилик талаб этилади. Холис фикр, тезкорлик, шижоат, теран дунёқараш соҳиби бўлган журналистгина бу талабларга жавоб бера олади.

Юртимизда чоп этилаётган кўплаб газеталар орасида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий нашри — «Тошкент оқшоми» газетаси ҳам ўз нуфузи, мавқеига эга. Газета ҳафтада беш марта чоп этилади. Газетхонлар пойтахтимизда амалга оширилаётган янгилик, ўзгариш ва кундалик воқеаларни шу нашр орқали билиб туришади. Газета таҳририятида кўплаб забардаст ёзувчи ва шоирлар, журналистлар фаолият юритган. Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Солиҳ Ёқубов, хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд Комилжонов, Тўлқин Расулов, Алиназар Эгамназаров, шунингдек, севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид сингари ўнлаб қалам соҳиблари шу даргоҳда ўз ижодий фаолиятларини бошлаган. Мулоҳаза, мушоҳадага чорлайдиган, ранг-баранг мавзудаги мақолалар билан газетхонлар қалбидан жой олган.

Эътиборли жиҳати шундаки, жамоада фаолият юритаётган ходимларнинг аксарияти узоқ йиллардан буён шу даргоҳга меҳр боғлаган. Ана шундай фидойи ходимлар — маънавият ва маърифат бўлими мудири Дилором Икромова, мусаҳҳиҳ Маъфура Содиқовалар билан суҳбатимиз касбга садоқат, журналист аёл зиммасидаги масъулият, соҳанинг ўзига хос машаққатлари хусусида бўлди.

— Садоқатнинг сурати ва сийратини ҳар ким ўзича талқин этади, — дейди Дилором Икромова. — Ватанга, ота-онага, касбга садоқат. Уларни адо этмоқлик ниҳоятда қийин, лекин шарафли. Касбимга садоқатим туфайли бахтга, эътиборга эришдим. Газетанинг ҳаётим ва ижодий фаолиятимдаги ўрни бўлакча. Бу қутлуғ даргоҳда ўткир қалам соҳиблари журналистиканинг сир-асрорларини ўргатишди, устозлик қилишди, йўл-йўриқ кўрсатишди. Йиллар ўтиб «Тошкент оқшоми» газетаси қозонида қайнаб, журналист сифатида шакллландим, шу аҳил жамоада ўз ўрнимни топдим. Матн терувчи вазифасида иш бошлаб, мусаҳҳиҳ, мухбир ва бўлим мудири даражасига эришдим. Хуллас, «Оқшом» ҳаётим мазмунига айланди, десам адашмайман.

Журналистиканинг нони қаттиқ бўлади, деган гапда жон бор. Касбига ихлос ва меҳр қўйган инсонгина завқ билан ижод қила олади.

— Дилором опа билан тенгдош экансизлар. Ҳатто меҳнат дафтарчаларингизда ҳам биттагина ёзув бор. Умр бўйи бир даргоҳда ишлаб обрў-эътибор топишнинг ўзи бўлмаса керак? — сўрайман Маъфура опадан.

— Инсон ҳаёти кўз очиб юмгулик фурсатда ўтар экан. Назаримда, кечагина ишга келгандекман. Ахир, 18 ёшда эдим ўша пайтда. Низомий номидаги педагогика университетининг педагогика-психология факультети биринчи курсини тамомлаганимдан сўнг отам мени шу даргоҳга ишга олиб келди. Дастлаб курьерлик қилдим. Кейин мусаҳҳиҳ ёрдамчиси, мусаҳҳиҳ бўлиб ишладим. Кўп таҳририятлардан «Бизга ишга келинг» деган таклиф тушган. Онамдан маслаҳат сўраганимда: «Ишингга меҳр қўя олсанг, ҳеч қандай моддий манфаатдорлик сени қизиқтиролмайди», деганларидан сўнг ҳеч қаерга кетмаганман. Иккиланишга ҳам ҳожат қолмаган. Чунки бу ишда менга ота-онам ўрнак бўлишган.

Бизнинг оилани журналистлар оиласи, дейишади. Отам — Муририддин Аъламов «Шарқ юлдузи» журналида техник муҳаррир, онам эса шу журналда мусаҳҳиҳ бўлиб ишлаган. Баъзан иш жуда кўпайиб кетган пайтлари ота-онам уйда ҳам ишлашар, шунда уларни синчиклаб кузатардим. Шу-шу бу касбга меҳрим тушган. Одам ўз ишини севса, машаққатларни енгиб ўтади. Айниқса, бола-чақали бўлганда аёлнинг масъулияти икки баробар ошаркан. Қийналган чоғимда ҳам ишимдан воз кечиш хаёлимга келмаган. Турмуш ўртоғим бутунлай бошқа соҳада ишлаган бўлса-да, мени тушунган. Ўрни келганда ёрдам берган. Ортга назар ташласам, менга фақат яхши инсонлар йўлдош бўлганини кўраман. Меҳнатдан бахт топиш деганлари, шу бўлса керак.

Умр сарҳисоби йиллар билан эмас, балки бажарилган амаллар билан ўлчанади, деган экан донишмандлардан бири. Узоқ йиллар ўз касбига меҳр қўйиб, садоқат билан ишлаган Дилором ва Маъфура опаларнинг босиб ўтган ҳаёт йўлларидан мамнунлиги ҳар бир сўзидан сезилиб туради. Зеро, касбини севиб-ардоқлаганнинг умри мазмунли, ардоқли бўлади.

Ҳидоят ЮСУПЖОНОВА

Жўшқин жўшиб яшайди

Жўшқин Давуровни қалам аҳли яхши танийди. У болалигиданоқ шеърлар машқ қилар, мақолалар ёзишга қизиқар эди. Тақдир тақозоси билан Шаҳрисабздаги механизаторлар тайёрлайдиган илм даргоҳида ўқиб юрган кезлари «Навқирон» адабиёт тўгараги аъзосига айланди. Тўгарак раҳбари, шоир Шарофжон Орифий, шунингдек, Тўра Жуман, Зоҳир шоир Қўчқор ўғли, Бозор Номозов каби ижодкорлардан маънан руҳланди. Улардан ижодий маслаҳатлар, йўл-йўриқ ва сабоқ олди.

Техник-механик касбини эгаллаган Жўшқин Қарши ва Нишон туманларида деҳқончилик ишларида фаол иштирок этди. Амударёдан 1-насос станциясигача бўлган Қарши магистраль каналини қазишда экскаватор машинистига ёрдамчилик қилди. Шу билан бирга бу ерда ёшларнинг кўрсатган жонбозликлари ҳақида газета ва журналларга мақолалар ёзди.

1981 йили илҳомбахш орзулар қанотида Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетига ўқишга кирди. Бу илм даргоҳида кўплаб тажрибали устозлардан журналистика сирларини, адабиёт ва ҳаёт ҳақидаги олам-олам сабоқларни ўзлаштирди.

Ижодкор, авваламбор, ўзининг иқтидорига таяниб қалам тебратади. Жўшқин Давуровнинг қалами йил сайин чархланиб, оммабоп очерк ва мақолалар ёзадиган бўлди. Мутойибага бой битиклари «Муштум» кулги ва ҳажв журналида, «Табассум», «Яхши кайфият» радиоэшиттиришларида тез-тез эълон этилди.

Тиниб-тинчимас қаламкаш кўп йиллар Нарпай туманидаги «Пахтакор овози» газетасида самарали фаолият кўрсатди. Ўзининг ўқишли, давр руҳига мос мақолалари, ҳажвга бой латифалари, шеърлари билан муштарийлар ҳурматини қозонди.

Умрни оқар дарёга ўхшатишади. Айни пайтда Жўшқин Давуров нафақада. Шундай бўлса-да, вақти-вақти билан «Пахтакор овози», «Нигоҳ» газеталари таҳририятларига келиб: «Бизга нима хизмат?», «Қандай мавзуда материал керак?» — деб ҳамкасбларини тинчитмайди. Долзарб мавзуларни ёш журналистларга «илинади».

«Умр узунлиги билан эмас, балки мазмуни билан қадрланади», деган экан донишмандлардан бири. Дарҳақиқат, киши ўзининг ҳалол меҳнати ва инсоний фазилатлари билан ҳурмат-эътиборга, эҳтиромга сазовор бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб тўлиб-жўшиб қалам тебратаётган ҳамкасбимизни касб байрами билан муборакбод этамиз.

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Воқеий ҳикоя

Газета ўқишаркан

Тўрт ойгина муаллимликнинг маошини олган Ҳамидуллани туман газетасига ишга таклиф этишди. Талабалик йилларидаёқ газета ва журналларда шапалоқдай-шапалоқдай мақолалари билан қатнашиб турган Ҳамидуллани қаламкашлар яхши билишарди. Уқуви дуруст эмасми, тез орада бўлим мудири бўлиб олди.

Ҳозир гап унинг қайси лавозимда ишлашида эмас!

"Таҳририятга ишга ўтаяпман", деганида ҳеч ким ишонмади. Ҳатто тўққиз ой бир қоринда бўлиб, отасидан фақат бир неча дақиқа олдин бу оламни кўрган Ҳасан амакиси ҳам қўл силтаб қўйди:

— Ҳм! Шундай дегин! Санга ўхшаганлар анқонинг уруғи эканми? Бизам тушунамиз, сани газетадагилар бошига урадими! Ўзи пединститутни зўрға битирган бўлсанг. Биласанми, шоир бўлиш учун камида Тошкентдаги журфакни битириш керак...

Газетанинг деярли ҳар сонида гоҳ чўнтакойнадек жойда хабар, гоҳ камзулнинг чўнтагидек мақола, гоҳ газетанинг бутун бир саҳифасини эгаллаган лавҳалар тагида: "Ҳамидулла Шошқин, махсус мухбиримиз" ёзуви кўзга ташланадиган бўлди. Мақоласи чиққан куни чой ичиш нарида турсин, ҳатто ухлашни ҳам унутиб қўйди. Мақолалари хусусида одамлар қандай фикрда эканини билишга жуда интиқ. Аксига олгандек, биров ўзидан билиб Ҳамидулланинг ижоди ҳақида оғиз очмайди. Ўзи шу мавзуда гап бошлай деса, мақтанаётгандек туюлади. Шундай бўлсада, ҳар замонда кўнгилга яқин дўстларидан: "Қалай, мақолаларим зўрми?" — деб сўраб қўяди.

— Оббо! Газета ўқишга вақт қаерда, санга ўхшаб бекорчиманми? Газета титкилаш қолувди энди, — дейди синфдоши, тракторчи Қодир. — Ундан кўра зўр бўлсанг, мани суратимни газетага чиқар...

Ҳамидулла шунга ҳам хурсанд: демак, дўстининг матбуотга ихлоси бор.

Бир куни матбуот деса ўзини томдан ташлайдиган, мудом туман газетасининг янги сонини қўлтиғига қистириб юрадиган қўшниси Эргаш домладан ўзи ёзган мақолалар ҳақида фикр билиш учун суҳбатлашишга чиқди.

— Э, ука, туман газетаси кейинги пайтларда яхши чиқмаяпти. Мақолаларда нуқул сийқаси чиққан гаплар. Обуна бўлганимга пушаймонман. Умуман, газетанинг ўзига тортадиган, таъсирли жойи йўқ-да, тўғрими? — деб қолди бир пайт Эргаш домла.

Домласининг "тўғрими?" деган саволига ноилож "ҳм" дея бошини қимирлатди.

"Қизиқ, одамлар газеталарга қизиқмас экан-да?! Ёки мен ишлаётганим учун шундай дейишяптими?" — ўйлади Ҳамидулла. Тўғри-да, яқин дўстларидан бирортаси, ҳатто тилга тушган, шов-шувга сабаб бўлган мақолалари хусусида ҳам гапиришмайди-я...

Давраларда ҳовлиқиб гапириб юрадиган почтачи Бозор шақилдоқ ҳам кейинги пайтларда Ҳамидулла Шошқин ишлаётган газетага қизиқмай қўйганини айтди.

Майли, ўқишмаса, ўқишмасин. Бу газетанинг ҳам ўз мухлислари бор. Газета чиқаверади, ҳамкасблари қатори Ҳамидулла Шошқин ёзаверади, ёзаверади...

Газетанинг уч кун олдинги сонининг сўнгги саҳифасида кичкинагина жойда "тузатиш" берилди: "Газета таҳририяти навбатчиси Ҳ.Шошқин хатоликка йўл қўйгани учун бўлим мудири вазифасидан адабий ходимликка туширилди".

Ҳамидулланинг бошига биров гурзи билан ургандек гандираклаб қолди. У "тузатиш" берилган газетанинг ҳамма нусхасини сотиб олишга тайёр эди. Ахир, мухлислари ўқишса, нима дейишади? Хатога йўл қўйиш мухбир учун уят-ку! Муҳаррирга ҳам ҳайронсан, арзимас имловий хато учун шунча гап-а! Тўғри, Ҳамидуллада ҳам айб бор. Ўзи сезмаган ҳолда хато ўтказиб юборди.

"Уф-ф! — Ҳамидулла сиқила бошлади. — Хўш, вазифамдан пасайтиришди. Шуни эълон қилиш шартмиди? Қани энди одамлар газетанинг шу сонини ўқишмаса. Ҳеч бўлмаса, "тузатиш"га эътибор беришмаса." Э, танишларим ҳозиргача бу газетани қизиқиб ўқишмас эди. Бугун ҳам ўқишмас, деган хаёл Ҳамидуллани тинчлантирарди.

У уйга келди-ю, ижодхонасига кириб ётди. Ҳеч ким билан суҳбатлашгиси келмади. Бирдан телефон жиринглади. Трубкадан амакисининг овози эшитилди:

— Жиян, ўзингмисан! Тинчликми? Газетда ишлаш осонмас дегандим-ку. Ана, хато кетиб, шарманда бўлибсан. Жимгина мактабда болаларни алдаб юрмайсанми!..

Ҳамидулла гапнинг у ёғини эшитмади. Тағин телефон қўнғироғи... дўст-биродарлари "ҳол-аҳвол" сўрашарди.

Эртасига маҳалладаги тўйга чиқди. Эндигина ошни еб бўлиб, бир пиёла чойни қўлига олувди ҳамки, почтачи Бозор шақилдоқ кўринди. Болалар асаларилар гулга ёпишгандек уни ўраб олишди.

— Манави газетани ўқинглар. Охирги бетдаги "тузатиш"ни уйдагиларга кўрсатинглар. Ўзимизнинг Ҳамидулла Шошқин ҳақида ёзишибди.

— Э, буни энди тарқатаяпсизми? Man кеча ўқигандим, — дея бақириб гапга аралашди Қодир тракторчи. Изза бўлиб ўтирган Ҳамидуллага кўзи тушгач, юзларига қувонч ёйилиб деди:

— Оғайни, мактабга қайтасанми? Man ўзимни чаласавод деб юрсам, сан бешбаттар экансан-ку, бўлмасам газетага ҳам хато ёзасанми?

Эргаш домла Ҳамидуллани кўчада учратиб, роса афсусланди:

— Сени иқтидорли шогирдим деб юрсам, қовун туширибсан-ку! Келаси йил шу газетага обуна бўламан, чунки кейинги пайтларда жуда таъсирли чиқаяпти. Масалан, тунов кунги сони ҳам қизиқарли, мазмунли чиқибди, тўғрими?

Домласининг "тўғрими?" деган саволига Ҳамидулла "ҳм" дея бошини қимирлатди. У хурсанд эди. Нега хурсанд бўлмасин, ахир, одамлар газета ўқишаркан-ку. Ўқиганда ҳам ихлос билан бирор сатрини қолдирмасдан ўқишаркан.

Мухлисларинг кўп бўлса яхши-да!!!

Абдулла АЙИЗОВ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

МАДАНИЯТ

А нъана

Ҳамкасб Жабборовларга байрам ҳазили









Ҳусан СОДИҚОВ чизган расмлар

«Халқ сўзи» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари Шуҳрат Жабборов*га*

Шуҳрат ака Жабборовда
йўқ нарсанинг ўзи йўқ.
Билиб олиш бобида ҳам
унга келар тенги йўқ.
Кўзидаги «деразаси»
юзларига ярашган
Тўртта қуён йиқилади
отганида битта ўқ.

“Жаҳон” ахборот агентлиги директорининг ўринбосари Эшнор Жабборов*га*

Эшнор ака ишга пишиқ,
жуда сирли кулади.
«Жаҳон»даям нима гаплар
ҳаммасини билади.
Ёзаверди, ёзаверди
кенгроқ олиб кўламни.
Энди сейфда сақламасми,
олтин бўлган қаламни?

«Даракчи» газетасининг бош муҳаррири ўринбосари Рустам Жабборов*га*

«Даракчи»ни кўтарай деб
елаверди-югурди.
Ора-сира киногаям,
сериалгаям қўл урди.
Ухламайди, деган фикр
уйғонади кишида —
Бир оёғи «Заковат»да,
бир оёғи ишида.

«Оила ва жамият» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Фаррух Жабборов*га*

Асал, асал асар ёзиб,
«Ҳуррият»да танилди.
«Жаннатмакон», «Маърифат»да
илм олди бир талай.
Уйланди-ю, «Оила ва жамият»га йўл олди.
Бош лиқ бўлгач, анча оғир,
сипогина бўп қолди.

Фозил ЖАББОРОВ,
«Hurriyat» мухбири

Тахририятдан:

Фозил ЖАББОРОВ*га*

Қай газетга йўли тушса,
ЖАББОРларга дуч келди.
Шеър, мақола олиб бориб,
Қўйни доим пуч келди.
Нетсин, касбга Фозилбой ҳам
Бошқалардай фидоий.
Тенг келмагач устозларга,
Бўлиб олди — АДОИЙ.

С порт

Ўзбек ёшлари жаҳон майдонида

Мексикада бўлиб ўтаётган ўсмирлар ўртасидаги футбол бўйича жаҳон чемпионати айни кунларда ўзининг қизғин палласига кирди. Гуруҳ учрашувлари якунланиб, кейинги босқичга йўл олган жамоаларнинг деярли ҳаммасининг номи маълум бўлди. Эътиборлиси, мусобақани давом эттираётганлар орасида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам бор. Кейинги босқичга чиқиш учун “D” гуруҳида кураш олиб борган вакилларимиз ўзларига билдирилган ишончни оқлаб, турнирнинг нимчорак финали йўлланмасини қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

Гарчи ёш футболчиларимиз жаҳон чемпионатидаги дастлабки учрашувни янги зеландиялик тенгқурларига қарши ўтказиб, мағлубиятга учраган бўлсалар-да, тезда аҳволни ўнглаб олишди. Кутилмаган муваффақиятсизликдан сўнг кўпчилик мухлислар ва мутахассислар футболчиларимизни гуруҳ баҳсларидаёқ чемпионат билан хайрлашади, деган хулосага келиб улгуришганди. Аммо футболчиларимиз биринчи мағлубият шунчаки тасодиф эканини қойилмақом қилиб исботлашди. Мусобақа фаворитлари дея эътироф этилган АҚШ ва Чехия терма жамоаларига қарши беллашувларда ғалабага эришишди. Шу тариқа терма жамоамиз олти очко жамғариб, гурухда биринчи ўринни эгаллади.

Агар ўзбек футболи тарихига назар ташлайдиган бўлсак, шу кунгача бирор ёшдаги терма жамоамиз жаҳон чемпионатида бу каби муваффақиятли иштирок этмаган эди. Ўсмирларимизнинг натижаси эса биз учун ҳозирча рекорд натижа ҳисобланади. Энг қувонарлиси, улар бу кўрсаткични янада яхшилаш имкониятига эга. Ўйлаймизки, плей-офф баҳсларида ҳам йигитларимиз чиройли ўйин намойиш этиб, мухлисларни хушнуд этишади.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтиш жоиз. Бугун Мексикада футболдан йироқ бўлмаган ҳар бир кишига Ғанишер Холмуродов, Мирзамурод Жўрабоев, Равшанжон Ҳайдаров, Асилжон Мансуров, Азизбек Муродов, Сардор Собирхўжаев, Муҳсинжон Убайдуллаев, Холмурод Холмуродов, Давлатбек Ёрбеков, Темур Ҳакимов, Нодирхон Камолов, Бобур Давлатов, Жавлон Мирабдуллаев, Сардор Раҳмонов, Забиҳилло Ўринбоев ва Аббос Махситалиев каби номлар анча маълум ва машҳур бўлиб улгурди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Буни бироз бошқачароқ ифодалайдиган бўлсак, футболчиларимиз аллақачон маҳаллий аҳолининг ёқимтойларига айланишди. Торреон шаҳри аҳолиси ўзбек футболчиларига чинакамига мухлислик қилаётгани ҳам сўзимиз исботи. Шу боис ҳам нимчорак беллашувларидаги рақибимиз ким бўлишидан қатъи назар, ўйин айнан ҳамюртларимиз кўникиб қолган мазкур шаҳарда бўлиб ўтиши имкониятларимизни янада оширади.

Мана бир неча асрки, футбол ўзининг жозибаси, чиройи билан миллионлаб кишиларни ўзига мафтун этиб келади. Жаҳон чемпионатида ҳам Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг хатти-ҳаракатлари мухлисларда илиқ таассурот қолдираётгани туфайли олқишга сазовор бўлмоқда. Бу эса барчамизни бирдек хурсанд қилади, албатта. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, футболчиларимиз майдонда дунёнинг энг кучли терма жамоаларига қарши мардоновор тўп суриб, ўзларининг ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини амалда намойиш этмоқда.

Камола МИРАМИНОВА

СЕВИМЛИ ИНСОНЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ БЕБАҲО!
«СЕВИМЛИЛАР ЯҚИНРОҚ» АКЦИЯСИ
МТС компанияси «Севимлилар яқинроқ» акциясини узайтиради!
МТС абонентининг битта рақамини «Севимли» рақам сифатида ўрнатинг ва шу рақамга бир ой давомида бепул қўнғироқ қилинг.
Уланиш учун USSD-команда: *111*891* <халқаро форматда телефон рақами> # ☎
$0 «Севимли» рақамга чиқувчи қўнғироқлар
$1,75 «Севимли» рақамни ўрнатиш нархи
МТС бир қадам олдинда
Хизматлар лицензияланган

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси —	8-361-505-19-11
Андижон —	8-374-250-90-39
Бухоро —	8-365-592-85-02
Самарқанд —	8-366-233-62-12
Сурхондарё —	8-376-396-30-59
Фарғона —	8-373-215-80-58
Хоразм —	8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Матёқуб НАРЗИЕВ

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 00

® — тижорат белгиси.

Адади: 8230 Буюртма — Г-626 1 2 3 5